

HC-877

2009:4

UZBEKISTON

TARIXI

4/2009

HISTORY OF UZBEKISTAN







4
2009

Jurnalga 1998-yil
iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt
marta chiqadi

Toshkent
O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

Мундарижа

- А. Отахўжаев.** Илк ўрта асрларда туркий ва суғдий давлатчилиқ анъаналарининг ўзаро таъсири 3
С. Кляшторний. Қадимги туркий-руний ёд-горликлар ва уларнинг муаллифлари 14

Тарихшунослик, манба ва талқин

- О. Рахматуллаева.** Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятга келишигача бўлган фаолияти мустақиллик даври тарихшунослигида (21)
С. Давлетов. Атроф-мухит тарихи ва унинг тарихий билимлар тизимида тутган ўрни 30
А. Хўжаев. Ўрта аср хитой манбаларидаги Тошкентга оид маълумотлар (38)

Этнология масалалари


- Г. Зунунова.** Моддий маданиятни ўрганишда назарий-методологик ёндашувлар масаласига доир 51
А. Аширов. Ўзбек халқининг инсон тана аъзолари билан боғлиқ қарашлари: генезиси ва ўзига хос хусусиятлари 59
М. Файзуллаева. Ўзбек халқи анъанавий таомларининг этник ва хўжалиқ хусусиятларига доир (Сурхон воҳаси мисолида) 69

Ўзбекистон тарихи хориж тадқиқотларида

- С. Қасимова.** «Бухорои шариф юлдузи» Озарбайжон тарихи миллий музейи коллекциясида 77

Ёш тадқиқотчи минбари

- Б. Усмонов.** Орол муаммосини ҳал қилишда Марказий Осиё республикаларининг ҳамкорлиги 82



Содержание

- А. Атаходжаев. Взаимовлияние тюркской и согдийской государственности в раннем средневековье 3
- С. Кляшторный. Древнетюркские рунические памятники и их авторы 14

Историография, источники и комментарии

- О. Рахматуллаева. Деятельность Амира Темура до прихода к власти в историографии периода независимости 21
- С. Давлетов. История окружающей среды и её место в системе исторических знаний 30
- А. Ходжаев. Сведения о Ташкенте китайских источников периода средневековья 38

Вопросы этнологии

- Г. Зунунова. К вопросу о теоретико-методологических подходах в изучении материальной культуры 51
- А. Аширов. Генезис и специфика взглядов узбекского народа относительно частей человеческого тела 59
- М. Файзуллаева. Этнические и хозяйственные особенности традиционных блюд узбекского народа (на примере Сурханской долины) .. 69

История Узбекистана в зарубежных исследованиях

- С. Касимова. «Звезда Благородной Бухары» в коллекции Национального музея истории Азербайджана 77

Трибуна молодого исследователя

- Б. Усманов. Сотрудничество республик Центральной Азии в вопросе решения Аральского кризиса 82

© Узбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2009 йил.

Тахрир хайъати:

- Дилором Алимова
(бош мухаррир),
Мируэрт Абусейтова
(Козоғистон)
Омонулла Бўриев
Алишер Дониёров
Доно Зияева
Ўткир Исломов
Мирсодиқ Исоқов
Элёр Каримов
Зоя Орифхонова
Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АҚШ)
Рустам Сулаймонов
Маргарита Филанович
(бош мухаррир Ўринбосари)
Темур Широшов
Нозим Ҳабибуллаев
Шоира Асядова (масъул котиб)
М. Саидова
А. Михерёва
(мухаррирлар)
Т. Гез (муқова дизайнери)

Манзилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
22.12.2006 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051.

Теришга берилди 28.12.2009.
Босишга рухсат этилди 8.02.2010.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}.
Тайме гарнитур.

Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма т. 7,09.
Ҳисоб-нашриёт т. 5,0.
331 нусха. 35-буйуртма.

Келишилган нарҳда
«КО'НИ-NUR» МЧЖда босилди.
Тошкент ш., «Машинасозлар» мавзеси, 4.

А. Отахўжаев

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТУРКИЙ ВА СУҒДИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Минтақа тарихида илк ўрта (VI – VIII) асрлар туркий ва суғдий халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этно-маданий жиҳатдан фаол интеграциялашуви даври бўлди.

Суғд конфедерацияси ва Турк хоқонлигининг муштарак тарихи натижасида кейинги босқич ўзбек давлатчилиги анъаналарига пойдевор қўйилди. Амударё ва Сирдарё оралиғи, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Олтой худудида яшаган суғдийлар ва туркийлар бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Илк ўрта асрлар туркий ва суғдий жамиятларнинг ҳамкорлик, бир-бирини тўлдириш ва бойитиш даври бўлди. Ушбу омил асосида Марказий Осиё ҳаётида янги кўринишдаги ижтимоий институтлар ва ўзига хос бўлган Ўрта Осиё – Шарқий Туркистон «тарихий-маданий макони» шаклланди¹. Бу макон шарқда Хитой, ғарбда Эрон маданиятлари таъсиридан ўзини сақлашга эришиб, минтақада сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва интеграция ҳамда ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар синтезини ҳосил қилди. Шу жараён маҳсули бўлган турк-суғд симбиози илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизацияси учун янги даврни бошлаб берди. Шу боис ҳам тарихан VI – VIII асрлар (552-783 йй.) «турк-суғд даври»² сифатида эътироф этилади.

Илк ўрта асрларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири минтақада туркий давлатчилик анъанасининг шаклланиши бошлаши эди. Гарчи, туркий давлат асосчилари бўлган ашина қабиласи ўз таркибига хитой ва хунн бўлмаган, автохтон аҳолини бирлаштирган бўлса-да³, бу давлатчилик ўзида Хунн давлати (мил. авв. III – мил. IV асрлар) ва Авар давлати (мил. IV – VI асрлар) анъаналарининг айрим жиҳатларини, жумладан, хоқонлик институтини сақлаб қолди. Бу анъана хоқонликдан сўнг вужудга келган Уйғур хоқонлиги (745-846 йй.)да давом эттирилди⁴.

¹ Л и в ш и ц В. А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика // Источниковедение Кыргызстана (с древности до конца XIX в.). Бишкек: Илим, 2004. С. 117.

² Б е р н ш т а м А. Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. 1947. № 3. С. 91.

³ К л я ш т о р н ы й С. Г. Проблемы ранней истории племени турк (ашина) // Новое в советской археологии. Материалы истории и археологии. М.: Наука, 1965. С. 278-281.

⁴ Т у р г у н А л м а с. Уйгуры. Кн. I. Алматы, 1993. С. 104-105.

VI аср ўртасида вужудга келган Биринчи Турк хоқонлиги (552-603 йй.) минтақадаги қадимий давлатчилик маъмурий-бошқарув унсурларидан ташқари, Суғд давлатчилигидаги айрим қирраларини ҳам ўзлаштирди. Бунга турк-суғд муносабатларидаги азалий яқинлик ва бу икки этнос жамиятлари ўз тараққиётларида тенгдош бўлганлиги⁵ асосий омил бўлди. Айнан шу ҳолат давлат тизими, маъмурий-бошқарув, ички ва ташқи сиёсат масалаларида томонларнинг ҳамжиҳат бўлишларини таъминлади.

Тарихда суғдийларнинг Турк хоқонлигининг қарор топишидаги ўрни хануз ўз баҳосини олган эмас. Бу икки этно-маданиятнинг давлатчилик қурилишида бир-бирини тақозо этиши сиёсий, иқтисодий ва айниқса, генетик илдизларга эга эди. Хитой манбаларига кўра, рузиелар, суғдийлар ва саклар турклар билан умумий этник бирликка эга бўлган. Дахлаб Каспий ва Оролбўйларида яшаган бу этнослар шарқ ва жанубга кўчиб ўз ҳудудий бирликларини ташкил қилганлар⁶. Бу эса томонларнинг интеграцион жараёнларини тўхтатмаган. Мил. авв. IV – III асрлардан дахлабки суғдий савдогар муҳожирлар гуруҳи ҳозирги Шарқий Туркистон ҳудудларига етиб бориб, у ерда прототурк (хунн, явлич-юэчжи, сяньби) қабилалари билан яқинлашади⁷. Мил. авв. II – I асрлардан эса Суғд ва унинг шимол-шарқидаги Чоч, Фарғона ва Еттисувда дехқон, хунарманд ва савдогар аҳоли билан ярим ўтроқ ва кўчманчи қабилалар маданияти аралашиб, ўзига хос этно-маданиятлар синтезини ҳосил қила бошлади⁸. Бу жараёнлар суғдийларнинг милоддан аввалги II ва милодий III – IV асрларга қадар мавжуд бўлган туркийгўй элатлар давлати – Қанғнинг шаклланиши ва тараққиётидаги муҳим ўрни билан ҳам аҳамиятлидир⁹. Суғдийлар бу давлат иқтисодининг ривожини, савдо-сотиғини ва ташқи алоқасини соҳасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Мазкур ҳамжиҳатлик тажрибаси Турк хоқонлиги қарор топишида янада такомиллашган кўринишда қўлланилди.

⁵ Гюль Э. Ф. Проблема этнокультурных взаимодействий в античном и средневековом искусстве в Узбекистане: Автореф. дис. ... докт. искусств. Ташкент, 2002. С. 16.

⁶ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент: ЎЗМЭ, 2007. 214-215-бетлар.

⁷ Hennig W. B. The date of the sogdian Ancient Letters // BSOAS. London, 1948. Vol. XII. Pt. 3-4. P. 608; Чугуевский Л. И. Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дуньхуана // СНВ. Вып. X. М.: Наука, 1971. С. 147.

⁸ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 10-бет.

⁹ Бернштам А. Н. Согдийская колонизация Семиречья // КСИИМК. Вып. 6. Л., 1940. С. 37-38; Шониёзов К. Қанғ қа қанғлилар. Тошкент: Фан, 1990. 168-бет; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 118-131-бетлар.

Хоқонлик вужудга келгунга қадар ҳам Ўрта Осиё ҳудудида автохтон туркий тилли этносларнинг мавжудлиги¹⁰ бир ҳудудда ёнма-ён яшаган туркий ва суғдийлар давлатчилик қурилишида ҳам ўзаро ҳамжиҳат бўлишига замин ҳозирлаган эди. Дастлаб Турк хоқонлиги давлатчилигида қадимий хунн ва илк ўрта аср авар давлатчилиги анъаналаридан кенг фойдаланди. Қадимги давлатлар маркази давлат ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирган шахс – хоқон бошчилигидаги ҳукмрон сулола қўлида эди. Бундай давлат асосини ер ва халқ ташкил қиларди¹¹. Аммо, бу бошқарув амалиётини барча аҳолига, хусусан, ўтроқ аҳолига жорий этиб бўлмасди. Шу боис, янги типдаги марказлашган давлат учун маъмурий-бошқарувни тубдан ислоҳ қилиш талаб этилар эди. Шарқий Туркистон ва Олтойга бориб ўрнашган, юксак шаҳарсозлик ва ўтроқ давлатчилик анъаналари тажрибасига эга бўлган суғдийлар Марказий Осиё сиёсий жараёнларига фаол қўшилдилар. Натижада улар мавжуд савдо манзилгоҳларидаги ўз вакилларининг билими ва тажрибаси орқали туркий ҳукмдорларнинг маслаҳатчилари, моҳир дипломатлар ва саркардаларига айланишди. Туркий битиклардан бири «Тўнюкук»да келтирилишича, «хоқонлар – қаҳрамон, маслаҳатчилар – доно бўлишган»¹². Бу қудратли ва сиёсий барқарор туркий давлатнинг шаклланишига амалий таъсир этган. Кўчманчи давлат анъанасига ўтроқ давлатчилик анъаналари сингдирилиши, кўплаб кўчманчиларнинг ўтроқлашувига ҳам сабаб бўлди.

551-552 йилларда Бумин хоқон асос солган янги давлат – Турк хоқонлигида гансулик, асли келиб чиқиши Бухородан бўлган Ан Нопанъто (Нахбанд) хоқоннинг ишончли вакили, давлат маслаҳатчиси ҳисобланган. У ҳали хоқонлик расмий қарор топмасдан аввал 545 йилда турк ябгулари номидан элчи сифатида Хитой билан музокаралар ўтказган моҳир дипломат эди¹³. Аслида Хитой турклар давлатининг қарор топишидан манфаатдор эмасди, бироқ ҳам турклар, ҳам хитойларнинг рақиби авар-

¹⁰ М а л и к о в А. Тюрки в Среднеазиатском Междуречье в VI – VIII вв. (по археологическим и письменным источникам): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Самарканд, 2000. – 24 с.

¹¹ К ы ч а н о в Е. И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. М., 1997. С. 109-114.

¹² Р а х м о н о в Н. А. Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Ташкент, 1991. С. 22.

¹³ З у е в Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. С. 158-159; К а м а л о в А. К. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.): Автореф. дис. ... докт. ист. наук. Алматы, 2008. С. 20; Манба: Оногава Х. Какёку рокукуши но энкаку (История шести варварских округов в Ордосе) // Тоа цзиньбун гакухо. Токио, 1942. № 1-4. С. 957-990.

ларни тугатиш Хитой учун зарурат эди. Аварларни фақат туркларгина енга олиши мумкинлигига Ан Нопанъто Хитой маъмуриятини ишонтира олди. Суғдийларга хос вазиятни тўғри баҳолаш ва ишонтира олиш сиёсати қўл келди. Суғдийлар мустақил туркий давлатнинг қарор топиши учун саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иттифоқчилик режалари ўз самарасини кўрсатди. Турк давлатининг пайдо бўлишида Хитой билан муроса қилиш муҳим геосиёсий тадбир эди. Узоқни кўра билган суғдий дипломат бу вазифани шараф билан адо этган. Натижада янги давлат пайдо бўлиб, у минтақадаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этно-маданий муҳитни тубдан ўзгартирди. Хоконлик худудидаги суғдийлар манзилгоҳларининг раҳбарлари хокондан элтабар¹⁴ – «эл, юрт бошчиси» унвонини олдилар. Хоконлик худудидаги суғдий гуруҳлар орасида туркийлашув ва аралаш никоҳ кенг ёйилди. Суғд аслзодалари хоконларга хос ашина насабинини ҳам қўлга киритдилар. М. Морининг ёзишича, суғдийларнинг тегин – «шаҳзода» унвонини олиши эса уларнинг хоконлар билан қариндошлиги белгиси эди. Шундай шахслардан бири Туруғшад ўғли бўлиб, у Элхоқоннинг қариндоши сифатида катта ҳурматга эришди. Гарчи, отаси каби шад – шаҳзода унвонини олмаган бўлса-да, «туркий ва суғдийларнинг хокони» сифатида Гоби жанубидаги ерларни бошқариш унга топширилди ҳамда Туруғшаднинг ўғли Элби-незукка элтабар унвони берилди¹⁵. Бундай юқори лавозимга сазовор бўлган суғдийлар нафақат савдо, ҳунармандчилик, деҳқончилик, балки давлат ишларини бошқаришда ҳам маҳоратли эканликларини намойиш қилдилар.

Хитой манбалари келтиришича, 588-600 йилларда Биринчи Турк хоконлигини бошқарган Тўн Турон (Дулан) саройида Ан Суи Цзе исмли суғдий давлат маслаҳатчиси бўлган¹⁶. Бу шахс хитойликларнинг хоконлик ички ишларига аралашувига жиддий қаршилик қилиб,¹⁷ хокондан Турк давлатини мустақил ички сиёсат орқали юритишни талаб қилган. Шу каби Турк хоконлари саройидаги мансабдор суғдийлар Хитойнинг

¹⁴ *Элтабар* – бу унвон Турк хокони Таспар даврида туркий ва суғдий аслзодаларга берилган.

¹⁵ М а с а о М о р и. Политическая структура древнего государства кочевников Монголии // Материалы XIII Международного конгресса исторических наук. Москва, 16-23 августа 1970 г. М.: Наука, 1970. С. 1-8; З у е в Ю. А. Ранние тюрки... С. 156.

¹⁶ Pulleyblank E. G. A sogdian colony in Inner Mongolia // T'oung Pao. Paris; Leydes, 1952. № 41. P. 317-356; Liu Ma-tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turkan (Tu-kue). Wiesbaden, 1958. Bd. I. P. 102-103; К а м а л о в А. К. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.). С. 21.

¹⁷ К л я ш т о р н ы й С. Г., Л и в ш и ц В. А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. Вып. X. М., 1971. С. 121-146.

Турк хоқонлигини кучсизлантириш ва тугатиш режалари учун асосий тўсиқ бўлганлар. Шу боис, 607 йилда Суй сулоласи (589-619) дан хоқонликка жосуслик мақсадида келган Пэй Цзюй ўз императорига йўллаган маълумотномасида: «Туркларнинг ўзлари соддадил ва калтабин, улар орасига нифоқ солиш осон. Афсуски, турклар ичида кўплаб суғдийлар яшашади, ўшалар айёр ва хийлагардирлар улар туркларга ўргатадилар ва йўналтирадилар. Айниқса, улардан бири Ши-ши Хусининг режалари риёкор, у Шиби (Шегуй) хоқондан унумли фойдаланади», деб ёзган эди¹⁸. Хели хоқон даврида ҳам суғдийларнинг хоқонлик саройидаги ўрни янада ортди. Бу ҳақда Хитой императори Тайцзунга: «Хели ўз туркларидан ажраб, ху (суғдий) ларга ишонч билдирмоқда» ва «Хели домо ху (суғдий)ларга қулай шароит яратади ва ўз қабиладошларига безътибор» каби маълумот юборилган¹⁹. Хитой учун минтақадаги асосий рақиб турклар ҳисобланса-да, суғдийлар хитойларнинг гегемонлик сиёсатини барбод қилишда турк хукмдорларининг маслаҳатчилари ва яқин маслақдошлари сифатида давлат мустақиллиги ва мустаҳкамлиги учун курашдилар. Агар, юқорида келтирилгандек, 609-619 йилларда хукмронлик қилган Шиби (Шегуй) хоқон саройида суғдлик Ши-ши Хуси эътиборли аёнлардан бўлган бўлса, VIII аср бошларида Ан Ян – ян исмли суғдий саркарда турк кўшинларига бош бўлиб Хитойга қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашган. Бу шахс туркий аслзоданинг қизига уйланиб, ашина қавмига қариндош ҳисобланган²⁰.

Биринчи Турк хоқонлигида расмий тил суғдий бўлган дейишга асослардан бири суғдий тилда ёзилган туркий хукмдорлардан бири Махан тегин (mγ'n tykyn) шарафига ўрнатилган Бугут ёдгорлик ҳисобланади. Ушбу ёдгорликда Биринчи Турк хоқонлиги хукмдорлари Бумин хоқон (βwmtyn γ'γ'n) (552 йил вафот этган), Мухан хоқон (mwγ'n γ'γ'n) (553-572), Таспар хоқон (t'sp'r γ'γ'n) (573-581), Таспарнинг ҳамхукмдори Нивар хоқон (nw'r γ'γ'n) (573-581 йилларда Таспар билан, 581-587 йилларда мустақил бошқарган) номлари келтирилган²¹. Турк хоқонлиги маъмурий

¹⁸ К л я ш т о р н ы й С. Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологический сборник. 1972. М.: Наука, 1973. С. 258; Liu Ma-tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken (Tu-kue). Bd. II. P. 87-88.

¹⁹ К л я ш т о р н ы й С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М.: Наука, 1964. С. 118.

²⁰ З у е в Ю. А. Ранние тюрки. С. 158-159.

²¹ К л я ш т о р н ы й С. Г., Л и в ш и ц В. А. Согдийская надпись из Бугута. С. 141-146; Л и в ш и ц В. А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. С. 120; М а с а о М о р и. Политическая структура древнего государства кочевников Монголии // Материалы XIII Международного конгресса исторических наук. С. 1-8.

бошқарувида ҳамхукмдорлар, яъни «кичик хоқонлар»²² асосан ака-укалар, амаки-жиянлар ва амакиваччалар ўртасида йўлга қўйилиб, тахт учун кураш жараёнини олдини олишга хизмат қилган.

Ярим ўтроқ ва ўтроқ ҳаёт кечира бошлаган туркийлар шаҳарлар бунёд этишда суғдий шаҳарсозлик маданияти ютуқларидан кенг фойдаландилар. Эътироф этиш керакки, албатта, суғдийлар бўш ерларда шаҳарлар бунёд этишмаган, балки аввалдан аҳоли манзилгоҳлари бўлган табиий ва иқтисодий қулай жойлар шаҳарларга айланар эди. Бу соҳада ҳам суғдийлар тажрибаси ва амалий ёрдами қўл келди. Ипак йўлида жойлашган Чоч воҳасининг ўнлаб шаҳарлари (Тўккент, Тўнкент, Хатункент, Нукент, Чинанчкент) ҳамда Исфижоб, Суткент, Манкент, Ёркент, Панжкент (Бешбалик) каби шимоли-шарқий йўналишдаги шаҳарлар V – VII асрларга келиб Еттисув, Шарқий Туркистон ва Гансу воҳасидаги Хеси коридорида савдо-тижорат, хунармандчилик ва маданият марказларга айланди. Турк хоқонлиги даврида ушбу шаҳарлар тараққиёти хоқонликнинг асосий таянчи эди.

Хоқонлик ҳудудида нафақат аслзода суғдийлар, балки кўплаб суғдлик дехқонлар, хунармандлар ва савдогарлар истиқомат қилишган. 630 йилда Шарқий Турк хоқонлиги таназзулга учради. Айрим туркий ва суғдий аслзодалар тинч жой ахтариб Тан империясидан паноҳ топган бўлса, аксарият суғдийларни Тан ҳукмдорлари ўз манфаатлари йўлида ишлатиш мақсадида Хитой деворининг нариги томонига кўчириб олиб ўтди. Суғдийлар хитойликлар учун хизмат қилишга мажбур этилди. Хитой тарихчиси Хоу Жэн-чжи ўша давр сиёсатини «ўлпон йўқ – савдо йўқ, ўлпон бор – муқофот ҳам бор» деб таърифлаган эди²³. Орадан деярли эллик йил ўтиб, 679-681 йилларда турклар қўзғолон кўтарди. Натижада турк давлатчилигидаги инкироз 691 йилда бартараф этилди. «Давлати ва хоқони йўқ бўлган, муассасалари бузилган ва асоратга солинган турклар оталарининг низомида яна бошқарувни йўлга қўйдилар»²⁴. Қайта ўзини тиклаган Шарқий Турк хоқонлиги Қапоғон (Мачжо) хоқон (692-716) бошчилигида Хитойга юриш қилиб, асир олиб кетилган суғдийларни ортага қайтаришга эришди. Аммо суғдийларнинг Хитойдаги фаолияти исзиз йўқолмади. Хитой тарихчиларининг эътирофича, суғдийлар Хитой тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшаётган эдилар. Бу ҳақда хитойлик тарихчилар Ванг Чэнгъя ва Гуан Лянжилар: «милоддан аввалги V асрдан то милодий X асргача бўлган 1500 йиллик даврда суғдийлар

²² Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута. С. 130.

²³ Мартыков А. С. Особенности торговли чаем и лошадьми в эпохи Мин / Китай и соседи в древности и средневековье. М., 1970. С. 234.

²⁴ Усмон Турон. Туркий халклар мафкуриси. Тошкент: Чўлпон, 1995. 84-бет.

Ипак йўли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожига беқиёс хисса қўшганлар», деб қайд этишган²⁵.

Илк туркий давлатларда суғд тили ва ёзуви девонхона – маҳкамачилик ишларида қўлланилгани алоҳида эътиборга моликдир. Қолаверса, Фарбий Турк хоқонлиги (603-742) ҳудудида суғд ёзуви катори, шу ёзув таъсирида ислоҳ қилинган туркий ёзув ҳам амалда бўлган²⁶. Илк ўрта аср хитой манбаларидан бири «Суй шу» га кўра, бу ерда «қонунлар ва ёзув туркча» бўлган²⁷. Суғд маданияти маълум маънода турк маданиятининг ривожига самарали таъсир этди. Қолаверса, турклар нафақат сиёсатда, балки маданий соҳада ҳам жануби-шарқдаги Хитойга эмас, балки жануби-ғарбдаги Суғдга ориентация олгани²⁸ заминада икки этноснинг генетик ва рухий яқинлиги янада намоён бўлади. Тадқиқотчи Э. Г. Пуллейбланк: «улар (суғдийлар) нафақат мохир савдогар, балки мусаввир, хунарманд ва янги дин тарғиботчиси эдилар. Суғдийлар Марказий Осиёга Ипак йўли бўйлаб ўрнашдилар, кўчманчилар (турклар) орасига цивилизация таъсири маълумдир»²⁹, деб баҳо берган эди.

552-567 йилларда Ўрта Осиёнинг Турк хоқонлиги тасарруфига ўтиши, Суғднинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодий ривожини учун катта имкониятлар берди. Айниқса, Ипак йўлида суғдий савдогарларнинг фаолиятини янада кенгайтди. Суғд дипломати ва элчиси Маниах 568-569 йилларда Турк ябғу хоқони Истеми хизматида бўлиб хоқонликнинг халқаро майдондаги мавқеини юксалтиришга муносиб хисса қўшди³⁰. Унинг ҳаракатлари натижасида Эрон билан рақобатдан қутулиб, Фарбий Турк ябғулиги нафақат Византия империяси, балки Хазар хоқонлиги ва Волга Булғорияси билан алоқалар ўрнатди.

603 йилда Биринчи Турк хоқонлиги иккига бўлингач, Ўрта Осиё Фарбий Турк ябғу хоқонлиги тасарруфига ўтди. Шу даврдан Ўрта Осиёда туркий давлатчилик анъаналари ва маҳаллий давлатчилик анъаналари ўзаро таъсир муносабатининг янги босқичига кўтарилди. Хоқонлик юксак деҳқончилик маданияти ривожланган Еттисув, Чоч, Фарғона,

²⁵ Х ў ж а е в А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо, 2002, № 2. 40-41-бетлар.

²⁶ К л я ш т о р н ы й С. Г. Древнетюркская культура в свете древнейших тюркских текстов // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып. 13. М., 1988. С. 103-104.

²⁷ Б и ч у р и н Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т. 2. С. 280-281.

²⁸ К л я ш т о р н ы й С. Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологический сборник. 1972. М.: Наука, 1973. С. 263.

²⁹ Там же. С. 259.

³⁰ Л и в ш и ц В. А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. С. 119.

Сугд ва Хоразм ҳисобига иқтисодий жиҳатдан янада юксалди. Бу ўтроқ ўлкаларни маъмурий-бошқариш кўчманчи уруғ-қабилавий бошқарув тизимига мос келмас эди. Шу боис, бу янги муносабатларни талаб қиларди. Дастлаб ҳоконлар ўз кизларини маҳаллий ҳукмдорларга узатиш йўли билан қон-қардошлик ва куда-андачилик алоқаларини ўрнатдилар. Бу маҳаллий аҳоли билан яқинликни ҳамда қўл остидаги вассалларни назорат қилишнинг энг мақбул усули эди. Жумладан, «Бей ши» ва «Суй шу» солномаларида келтирилишича, Самарқанд ихшиди – подшоси Ши-фу-би (Дайшеби) Тарду (Датоу) ҳокон (576-603) нинг куёви, «Тан шу» солномасига кўра, Сугд ихшиди – подшоси Кюе-му-чжи эса Тўн ябгу-ҳокон (618-630) нинг куёви бўлишган³¹. Бу маликалар хотун унвони билан маҳаллий маъмурий-бошқарув ишларида фаол қатнашганлар. Туркий маликалар ўз фарзандларини маҳаллий ва туркий аънаналар руҳида тарбиялашлари келажакда бу шаҳзодаларнинг икки халқ ва маданият учун хизмат қиладиган ҳукмдор бўлишларига замин ҳозирлаган. Ҳоконларнинг ўзлари эса асосан турк аслзодаларидан бўлган хонадон кизларига уйланганлар ёки бирор-бир мустақил давлат маликаси билан никоҳдан ўтганликлари³² ташқи таъсирдан сақланиш воситаси эди.

Сугдда амал қилган маҳаллий қонунчилик илдизлари «Авесто» га – зардуштийлик таълимотига бориб тақаларди. Бироқ, манбаларнинг келтиришича, Сугд Турк ҳоконлиги таркибига киргач, у ерда туркий давлатчилик ва қонунчилик аънаналари ҳам амал қила бошлади. Ҳоконлик қонунлари жорий қилинди³³. Хитой солномачиларнинг ёзишича, Сугд пойтахти Самарқандда «Турк йўриқ (қонун) лари» бўлиб, улар эҳромда сақланган. Жазони аниқлашда ушбу йўриқни олиб, ишни ҳал қилишган». Туркларнинг жиноятни жазолаш қонунлари Сугддаги каби юмшоқ эмас эди. Бу жазо қонунлари қаттиқ бўлиб, оғир жиноятларга ўлим жазоси белгиланган. Жазо ҳатто, бутун оилага нисбатан ҳам

³¹ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. С. 280-281; Бобоев Ф. Турк ҳоконлиги даврида Сугд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик, 2002, № 11. 121-бет; Байпаков К. М. Западнотюркский и Тургешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // Известия Национальной АН РК. Серия общественных наук. 2009. № 1. С. 108.

³² Шаркий Турк ҳоконлари кўп ҳолларда Хитой маликаларига уйланишган. Қаранг: Зуев Ю. А. Древнетюркские генеалогические предания как источник по ранней истории тюрков: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Алма-Ата, 1967. С. 16; Мокрин В. П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI – VIII вв. / Из истории дореволюционного Киргизстана. Фрунзе: Илим, 1985. С. 153-154.

³³ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. С. 280-281.

қўлланилган. Ўғирлик учун оёғи, енгилрок жиноят учун қўли кесилган. Суғдда туркий қонунлар оғир жиноятлар учун,³⁴ фуқаролик ишларида эса маҳаллий қонунлар амал қилган. Жумладан, Муғ архивининг учта хужжати: Никоҳ битими ва мажбурияти (Nov 3, Nov 4)³⁵; Ер харид қилиш ҳақида (B-8)³⁶ ва Тегирмон ижараси ҳақида хужжат (B-4) лари³⁷ VIII аср бошлари Суғд фуқаролик қонунчилиги ҳақида маълумот беради. Бу қонунлар турк қонунлари каби эҳромда эмас, балки махсус «Қонунчилик уйи» да сақланган.

Биринчи Турк ҳоконлиги Ўрта Осиёни ўз тасарруфига олгач, дастлабки йилларда эфталийлар каби маҳаллий ҳукмдорлар орқали солиқ ва тўловлар йиғиш билан кифояланган эди. Кейинчалик ябғу-ҳоконлар ва уларнинг вакиллари Ўрта Осиё мулкларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок эта бошлади³⁸. Айниқса, Ўрта Осиё ҳокимликларини бошқаришда Тўн ябғу (618-630) ислохотлари муҳим ўрин тутган. Эфталийлардан фарқли ҳоконлик энди маъмурий-бошқарувда ҳам ўз ўрнига эга бўла бошлади. Агар туркларда бошқарув уруғ-қабилавий асосга қурилган бўлса, Суғдда ўзига хос иерархия мавжуд эди. Аввалида Суғдда тахт мерос ҳисобланмаган³⁹. Оқсоқол Кенгаши давлат бошқарувида етакчи саналган. Кенгаш аъзолари ҳукмрон хонадон (чжао-у) ва ер эгалари (азимлар, азатлар –'z't) олий табақа вакиллари бўлиб, ўз ичларидан маҳаллий ҳоким (подшо) лар – ихшидлар ('γš'y''δ) ни сайлашган. VIII аср 1-чорагидан эса Суғддаги заминдор зодагонларнинг асосини туркийлар ёки туркийлашган суғдийлар ташкил қила бошлади⁴⁰. Натижада «Тан шу» да келтирилишича, 650 йилдан Авархуманнинг Суғд тахтига келиши туркий «ўн ўқ» сулоласи даврини бошлаб берган эди⁴¹. Хусу-

³⁴ История Киргизской ССР. Фрунзе, 1989. Т. 1. С. 234.

³⁵ Согдийские документы с горы Муғ. Вып. 2: юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. М.: ИВЛ, 1962. С. 17-45 (далее – СДГМ 2.); Л и в ш и ц В. А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. С. 135-136; И с х о қ о в М. М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. 37-46-бетлар.

³⁶ СДГМ 2. С. 45-53. И с х о қ о в М. М. Унутилган подшоликдан хатлар. 13-17-бетлар.

³⁷ СДГМ 2. С. 45-53. И с х о қ о в М. М. Ўша жойда. 17-24-бетлар.

³⁸ Б а й п а к о в К. М. Западнотюркский и Тургешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город. С. 108.

³⁹ Б а р а т о в а Л. Турк ҳоконлиги ва унинг Ўрта Осиё давлатлари билан алоқалари / Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ, 2001. 55-бет.

⁴⁰ С м и р н о в а О. И. Очерки из истории Согда. М.: Наука, 1970. С. 40.

⁴¹ М а р ш а к Б. И., Р а с п о п о в а В. И. Кочевники и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. С. 423; Б о б о ё р о в Ф. Турк ҳоконлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик, 2002, № 11. 121-бет.

сан, Тархун ўрнига 710 йилда укаси Ғурак, унинг ўрнига 737 йилда ўғли Тургарнинг Суғд тахтига келиши кузатилади. Тўн ябғу эса бу жараёнга асос солган дейиш мумкин. Шу даврдан туркий ва суғдий давлатчилик аъёнларида синтез кузатилади. Суғддаги маҳаллий ихшид ('ʔš'y''δ), афшин ('pšyn), хунав (ʔwt'w), хвабу (ʔwβw)⁴² унвонларидан ташқари тархон (суғдий trʔ'n / trʔwn; туркий tarxan), тутук (суғдий twttk; туркий tutuq), тудун (суғдий tdwn; туркий tudun), чўр (суғдий cwr; туркий cur/jur) каби туркий унвонлар жорий этилди⁴³. Хусусан, тудунлар умумий назорат ва солиқ йиғимлари билан шуғулланишган⁴⁴. Жумладан, Бухорода маҳаллий «худот» (суғдий ʔ/xwδ't) ҳукмдорга нисбатан, туркий «хотун» (суғдий ʔ/x'twn; туркий qatun) маликага нисбатан қўлланилган⁴⁵. Бухоро ҳукмдори – бухорхудот Бидун ва малика Кабажхотун ўз фарзандларини Тугшода, яъни аввалига суғдий бўлган, кейинчалик туркийлар ўзлаштирган шад (š'δ; šad < 'xšud) – «шаҳзода» унвони асосидаги исм билан номлаганлар⁴⁶. Бу ҳам Турк хоқонлиги ва Суғд давлатчилиги аъёнларидаги синтез эди.

700-710 йилларда Суғдни бошқарган Тархун (trʔwn) нинг бир укаси туркий Ғурак ('ʔg'k), иккинчиси суғдий Афарун ('rgwn) деб аталиши⁴⁷ ҳам аъёнавий тусга кирган эди. Панч вилояти бошқарувида туркий Чакин Чур Билга (ck'ʔn cwr βulk') дан сўнг 708 йилда суғдий Деваштич (δuw'stʔc) нинг ҳоким бўлиши ва унинг иш юритувчиси – «фрамандар» и туркий Ўтг (prn'nδ'g 'wt) бўлганлиги⁴⁸ Суғд маҳаллий маъмурий-бошқарувида икки этноснинг тенг иштирокни кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, суғд колониал ҳаракати туркийлар орасида шаҳарсозлик, деҳқончилик, хунарманчилик, савдо ва маънавий-мафкуравий аъёнларини кенг ёйиб, туркий давлатчилик қарор топишига таъсир этди. Турк хоқонлигининг вужудга келиши минтақаги геосиё-

⁴² Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. С. 40-56.

⁴³ СДГМ 2. С. 191-218.

⁴⁴ Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. С. 157.

⁴⁵ Туркий унвонлар бўйича қаранг: Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С. 436, 519, 539, 584, 593.

⁴⁶ Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент: Камалак, 1991. 92-95-бетлар; Veneniste E. Tittles et noms propres en iranien ancien. Paris, 1966. P. 30-33; Лившиц В. А. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. С. 146; Масао Мори. Политическая структура древнего государства кочевников Монголии // Материалы XIII Международного конгресса исторических наук. С. 4-8.

⁴⁷ Бартольд В. В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. Соч. V. М.: Наука, 1968. С. 305; СДГМ 2. – 221 с.

⁴⁸ СДГМ 2. С. 216-217.

сий вазиятни тубдан ўзгартирди. Бунда сугдий дипломатия муҳим ўрин тутди. Сугдий ва туркий давлатчилик анъаналари ўзаро таъсири маъмурий-бошқарувда ўзига хос кўриниш олди. Туркий ва сугдий этнослар жипслиги, қон-қардошлиги этно-маданий жараёнларни кучайтирди. Кўчманчи ва ўтроқ маданиятлар синтези давлатчиликда ҳам ўз аксини топди. Моҳир Сугд дипломатлари Марказий Осиёга Хитой ва Эроннинг таъсирини Турк хоқонлиги кўмагида тугатди. Ипак йўлининг минтақа йўналишида сугдийлар етакчига айланди. Турк хоқонлиги паноҳида Сугдда сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш амалга ошди. Сугд тили ва ёзуви халқаро даражага эришди. Буларнинг барчаси илк ўрта асрлар даври учун икки этноснинг муштарак, ягона маданий макон яратишда муҳим босқич бўлди.

А. Атаходжаев

Взаимовлияние тюркской и согдийской государственности в раннем средневековье

В статье прослеживаются особенности раннесредневекового государственного устройства Согда и Тюркского каганата. Отдельное внимание уделено процессу взаимовлияния традиций двух народов – тюрков и согдийцев, позитивно воздействовавшему на укрепление политической стабильности в этих двух государствах, а также способствовавшему их экономическому развитию и этнокультурному обогащению.

А. Atakhodjaev

Interinfluence of statehood traditions in early medieval Sogd Confederation and Turkic Qaghanate

In the article it is shown the evolution of statehood traditions in early medieval Sogd Confederation and Turkic Qaghanate. The author paid attention on the question of interinfluence of these traditions and its meaning on the political, economical spheres of the life of these countries as well as on intercultural relations.

С. Кляшторный

ДРЕВНЕТЮРКСКИЕ РУНИЧЕСКИЕ ПАМЯТНИКИ И ИХ АВТОРЫ

Одним из важнейших компонентов духовной культуры любого народа является его историческая память. Овладение письменной культурой, как правило, влечет за собой письменную фиксацию различных проявлений исторической памяти. С известными оговорками, касающимися неполноты письменного выражения собственной истории в любом архаическом социуме, зафиксированная историческая память определяет временную глубину самой культурной традиции. Вместе с тем, именно в исторической памяти социума таятся в какой-то степени стертые и мифологизированные стереотипы, определяющие пути поиска истоков культурного наследия.

Наиболее важными памятниками древнетюркской культуры являются тюркские рунические памятники Монголии, Южной Сибири и Восточного Туркестана, обладающие двумя существенными для историка и неоспоримыми достоинствами: автохтонностью и аутентичностью. Однако, в какой же мере рунические тексты являются носителями исторической памяти?

Уже в конце XIX – начале XX в. выдающиеся востоковеды своего времени В. В. Бартольд и И. Маркварт первыми исследовали с этой позиции тюркские памятники, выявили содержащуюся в них значительную долю историографической информации, сопоставили с иными группами источников и очень высоко оценили памятники как источник важных сведений, касающихся истории самих тюрков и созданных ими государств¹. Были четко определены три основные группы эпиграфических текстов, достаточно насыщенных историографической информацией. Прежде всего, это собственно тюркские памятники Северной Монголии (орхонские памятники), затем немногочисленные тогда – в начале XX в. памятники уйгурской эпохи, найденные там же, где и тюркские, и, наконец, историографически наименее информативные из-за трудностей

¹ Подробнее об изучении древнетюркских рунических памятников и их историографической оценке в специальной литературе см.: К л я ш т о р н ы й С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М.: Наука, 1964. С. 5-17; К л я ш т о р н ы й С. Г., Л и в ш и ц В. А. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии // Археология и этнография Монголии. Новосибирск: Наука, 1978, С. 37-70.

датирования енисейские памятники древних кыргызов. Начавшиеся в 60-70-е годы прошлого века дискуссии о жанре памятников и их ценности как исторических источников так и не смогли поколебать уже сложившуюся высокую историографическую оценку рунических текстов. Более того, новые открытия древнетюркских памятников, связанные, главным образом, с полевыми исследованиями Советско-Монгольской историко-культурной экспедиции (1969-1990), принесли неожиданные результаты, касающиеся письменной фиксации исторической памяти у тюркских народов древности. Немало было сделано и в изучении енисейской эпиграфики.

Успехи изучения древнетюркской письменности к 60-м годам XX в. создали ощущение известной завершенности историографической обработки этой сравнительно небольшой группы текстов. Между тем именно сенсационные результаты начального периода выявили такие труднейшие аспекты историко-культурной оценки памятников, решение которых оказалось надолго отложенным.

Остановимся лишь на некоторых из возникших загадок и тех открытиях, которые способствовали их разрешению.

Тюркский каганат возник на территории Монголии в 551 г. и, распространившись от Хинганских гор до Керченского пролива, стал первой евразийской империей, просуществовавшей восемьдесят лет. Каганат был разрушен в 630 г., в период максимальной экспансии Танской империи, но через пятьдесят лет возродился и просуществовал еще пятьдесят лет. Все обнаруженные до недавнего времени на территории каганата памятники относились ко второму периоду его существования – к 20-30-м годам VIII в. Следовало ли, исходя из этого факта, сделать вывод, что Первый каганат не знал ни письменности, ни историографической традиции? Что обычай устанавливать в поминальных комплексах тюркской знати стелы с историко-биографическими текстами возник лишь в эпоху Второго каганата? Такой вывод делался. Приведем мнение выдающегося знатока тюркской археологии Л. Р. Кызласова, опубликованное им в 1965 г.: «Установка вертикальных стел с надписями (у курганах в рядах и одиночно) никогда не практиковалась алтайскими тюрками-тугю и другими племенами, входившими в Первый Тюркский каганат»². И тогда никаких прямых доказательств иной альтернативы не было. А через три года была обнаружена стела

² Кызласов Л. Р. О датировке памятников енисейской письменности // Советская археология. 1965. № 3. С. 43.

с согдийским текстом, которую по месту находки я назвал Бугутской. Стела оказалась частью погребального комплекса Четвертого тюркско-го кагана Таспара³. По своему типу и содержанию стела совершенно подобна появившимся через сто пятьдесят лет орхонским памятникам. Бугутская стела была установлена в 582 г. Среди событий, датированных по двенадцатилетнему циклу, там упомянуто и об учреждении в каганате буддийской сангхи.

Теперь несомненно, что Первый каганат знал и обычай установки стел с надписями при княжеских погребениях, и календарь, и свою историографическую традицию, а идеологическая жизнь тюркского социума в VI в. отнюдь не была примитивной. Вместе с тем, употребление здесь согдийского языка и письменности указывает, по крайней мере, на то, что великолепная культура и образованность Средней Азии была для тюрков явлением достаточно обычным и привычным.

Другая историко-культурная проблема связана с ареалом распространения тюркского рунического письма. Почти все найденные памятники концентрировались в центральных районах Северной Монголии и являлись составной частью княжеских поминальных комплексов. Исходя из этого, следовало бы признать, что письменная культура в Тюркском каганате была достоянием узкой аристократической группы, а территория её распространения была очень ограничена.

Во время полевых работ в Монголии в 1970-1980-е годы докладчик, имея в виду необходимость поиска бесспорных материалов для решения проблемы, осуществил целенаправленные рекогносцировки в Хангайской горной стране, Хэнтэе, Монгольском и Гобийском Алтае, в котловине Больших озер и в Южной Гоби. В ходе рекогносцировок установлено, что руническая письменность была распространена и активно использовалась во всей зоне обитания древнетюркских племен. А отсутствие профессионализма в исполнении мелких наскальных надписей указывает на значительное число людей, владевших письмом и использовавших его в обыденной жизни.

Обратимся теперь к другой группе памятников – к памятникам Уйгурского каганата. До 60-х годов XX в. их было известно всего два – Карабалгасунская надпись и надпись из Могон-Шине-Усу. В ходе работ

³ Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Новая согдийская надпись из Монголии (предварительное сообщение) // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока, Л., 1969. С. 51-55; Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута // Страны и народы Востока. М., 1971. Т. X. С. 121-146; Klyashtornyj S., Livshic V. The Sogdian inscription of Bugut revised // Acta Orientalia Hungarica. 1972. Т. XXVI. С. 63-102.

СМИКЭ были открыты еще три крупных памятника разной степени сохранности⁴. Какова их историографическая составляющая?

Две стелы, открытые в Хангайской горной стране, названы мной по долинам рек, где были установлены, Терхинской и Тэсинской. Они были сооружены в 753 и 762 гг. Историографические разделы обеих надписей, судя по сохранившейся части, достаточно близки по содержанию и главная идея этих разделов, казалось бы, парадоксальна – уйгурские каганы восьмого века, правившие в Монголии и Туве, считали себя наследниками и преемниками древних вождей, которые возглавляли огузо-огузские племена евразийских степей за сотни лет до них. И оба уйгурских государя, Элетмиш Бильге и Бёгю, которым посвящено повествование, сочли нужным напомнить об этом своим соплеменникам и своим подданным в высеченных на камнях декларациях. Они возвеличили тех, кто возглавлял племена и создавал Эль-кочевую империю, и они осудили тех, кто разрушал Эль в междоусобных и межплеменных войнах. Память уйгурских историографов охватила несколько эпох созидания и разрушения Элей, включая события более чем двухсотлетней давности. В начальных строках их повествования история слилась с мифом о сотворении и легендами о каганах-основоположниках. Время повествования определяется упоминанием общего кагана тюрков и огузов, Бумына, т. е. серединой VI в., а пространство событий – вся евразийская степь.

Итак, первыми памятниками тюркской письменности стали каменные эпиграфические тексты. Однако эпиграфами крупнейшие из этих текстов являлись только по первому целевому назначению. Не менее важной для их авторов была иная цель – восстановив событийный ряд, связанный с усопшим героем, оплакав и прославив его в безудержном панегирике, изложив свою политическую и этическую оценку событий, сформулировать, прямо или косвенно, свое социальное кредо и свою политическую философию, убедить «слушателей» в безусловной

⁴ Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Сэврэйский камень // Советская тюркология. 1971. № 3. С. 106-112; Klyashornyj S., Livshits V. Une inscription inédite torque et sogdienne: la stèle de Sevrey (Gobi Méridionale) // Journal Asiatique. T. 259. 1972. С. 11-20; Кляшторный С. Г. Терхинская надпись. Предварительная публикация // Советская тюркология. 1980. № 3. С. 82-95; Klyashornyj S. The Terkhin inscription // Acta Orientalia Hungarica. 1983. T. XXXVI, fasc. 1-3. С. 335-366; Кляшторный С. Г. Тэсинская стела. Предварительная публикация // Советская тюркология. 1983. № 6. С. 76-90; Klyashornyj S. The Tes inscription of the Uigur Bögü Qaghan // Acta Orientalia Hungarica. 1985. T. 39, fasc. 1. С. 137-156; Кляшторный С. Г. Надпись уйгурского Бёгю-кагана в Северо-Западной Монголии // Центральная Азия. Новые памятники письменности и искусства. М.: Наука, 1987. С. 19-37.

и безупречной правдивости и правильности своих утверждений и своих оценок.

Обычно в древнетюркских рунических памятниках повествование ведется либо от лица покойного героя надписи, либо оно анонимно. И в том, и в другом случае подлинный творец текста никак не проявляет осознания своей роли в его создании, не обозначает своего авторства.

Однако три случая из множества других показывают, что фольклорная традиция неосознанного авторства уже не была всеобщей – речь идет о памятнике Тоньюкука, двух Кошо-Цайдамских текстах (надписи в честь Кюль-тегина и Бильге-кагана) и надписи в честь Кули-чора.

Пространная надпись Тоньюкука (62 строки длиной в 160-170 см) написана от лица самого героя, но не им самим – в 58-й строке сообщается, что надпись написана по приказу Тоньюкука: «Я, мудрый Тоньюкук, приказал написать [эту надпись] для государства тюркского Бильге-кагана». Но стиль надписи отнюдь не эпитафийный – это яркий литературный текст, полный нескрываемых полемических суждений, диалогов, притч и поговорок. Само повествование столь эмоционально и непринужденно, столь явно приближается к родившемуся через много веков жанру автобиографии, что делает наиболее вероятным предположение о фиксации в тексте подлинной речи самого Тоньюкука.

Большая часть повествования в обоих Кошо-Цайдамских памятниках ведется от имени Бильге-кагана и в надписях несколько раз подчеркнуто заявлено, что все сказанное и записанное – его «подлинная речь», которую высекали на камне китайские резчики. Но трижды в надписи Кюль-тегина и один раз – в надписи Бильге-кагана названо другое имя творца надписей: «Столько много надписей написавший я, племянник Кюль-тегина, Йоллыг-тегин, это написал. Двадцать дней просидев (за работой), на этот камень (это) все я, Йоллыг-тегин, написал» (памятник в честь Кюль-тегина). «Надпись Бильге-кагану, я, Йоллыг-тегин, написал... Я, племянник тюркского Бильге-кагана, Йоллыг-тегин, проведя (за работой) месяц и четыре дня, покрыл надписями и украсил» (памятник в честь Бильге-кагана).

Член каганского рода и его герольд, Йоллыг-тегин, был, как он сам заявляет, автором многих надписей, пожалуй, первым известным нам по имени писателем, писавшим на тюркском языке. Это он своей рукой нанес на камень (процарапал или написал тушью) текст надписей, высеченный затем китайскими резчиками. Ему принадлежали также не сохранившиеся надписи на стенах заупокойных храмов. Несомненно, что памятник как литературное произведение и образец древнетюркской письменности был написан им. Однако вряд ли стоит преувеличивать

самостоятельность политического мышления Йоллыг-тегина и приписывать исключительно ему разработку тех политических взглядов, которые отражены в памятниках. Йоллыг-тегин писал то, что соответствовало мыслям, словам и действиям его сюзерена и родича – Бильге-кагана. Недаром все политические формулировки изложены от лица Бильге-кагана с указанием, что резчики не исказили его «речи».

Кошо-Цайдамские надписи являются крупнейшими памятниками древнетюркской рунической письменности. Их значение для древнетюркской филологии и истории невозможно преувеличить. Наблюдения, сделанные при изучении этих двух текстов, давно уже стали нормативными, а сами памятники превратились в своеобразные эталоны, с которыми сравнивают чуть ли не все другие рунические надписи.

Третий случай самообозначения автора камнеписного текста отмечен в надписи в честь Кули-чора (надпись из Ихе Хушоту): «Я, Бинтир, столь много надписей написал и о том, чего я сам не знал, и о том, что я сам знал и помнил. Надпись Кули-чору я (тоже) написал». Автор надписи ссылается на какую-то информацию, устную или письменную, о событиях, которые он не знал или не помнил. Такого рода констатация – пока единственная в древнетюркских текстах и она, возможно, свидетельствует о наличии историографической традиции и о существовании людей, которые эту традицию сохраняли.

Очевидно, что в трех отмеченных случаях проявилось разное ощущение или осознание авторства. Это осознание никак не связано исключительно с реальным начертанием (вырезанием или иным обозначением) знаков письма, но оно прямо касается процесса создания текста. Тоньюкук диктует исполнителю (резчику?) свою речь, насыщенную экспрессивными и полемическими оборотами, создающими неповторимый стиль изложения, и, по существу, является единственным творцом текста.

Йоллыг-тегин долго и тщательно готовит текст для резчика-исполнителя, сам его наносит на поверхность стелы, не врезая в камень, сам украшает стелу некоторыми символами-рисунками. Он пишет о себе как о создателе текста, указывая даже количество затраченных дней. И, однако, считает главным в своей работе точную передачу «сердечной речи» своего сородича и сюзерена Бильге-кагана.

Не исключено, что политическая философия Бильге-кагана, если не ментально, то вербально и литературно формируется именно Йоллыг-тегином, а его заявление о своем немалом и долгом труде над текстом прозрачно свидетельствует о его собственном авторском вкладе. И совершенно осознанно и недвусмысленно заявляет о своем авторстве

профессиональный панегирист – историограф, подвизавшийся при дворе Кули-чора Тардушского. Возможно, Бинтир – типологически знаковая фигура древнетюркского придворного интеллектуала, одного из тех грамотеев, чьими усилиями создавались и поддерживались полупоэтические представления о героях минувших поколений и формировались образы участников актуальных коллизий. Этот сложный сплав соперничающих повествований и оценок отдаленного и недавнего прошлого, запечатленный на фоне жестких межклановых, политических, военных и социальных столкновений, имперских амбиций и сепаратистских устремлений, делал авторов древнетюркских эпитафий глашатаями и судьями их мира.

C. Кляшторний

**Қадимги туркий-руний ёдгорликлар
ва уларнинг муаллифлари**

Мақолада VII – VIII асрдаги тош битиклар ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот келтирилади. Ушбу маълумотлар туркий халқларда ёзув маданияти қадимдан шаклланганлигини кўрсатади.

S. Klashtorniy

**Ancient Turkic-Runic sources
and their authors.**

In the article is given information on epigraphically sources and their authors. These informations are demonstrated that epigraphically culture of Turkic people was formed from Ancient times.

Тарихшунослик, манба ва талқин

О. Рахматуллаева

АМИР ТЕМУРНИНГ СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТГА КЕЛИШИГАЧА БЎЛГАН ФАОЛИЯТИ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИДА

Амир Темурнинг сиёсий фаолияти ҳақида сўз борар экан, энг аввало, унинг ҳокимиятга келгунга қадар бўлган даврга катта эътибор қаратиш лозим. Тадқиқотларнинг аксариятида Соҳибқироннинг сиёсий ҳокимиятга келиши муаммолари XIV асрнинг 60-70-йилларида Мовароуннаҳрдаги сиёсий аҳвол, Амир Темурнинг амир Ҳусайн билан иттифоқи, сарбадорлар ҳаракатига Амир Темурнинг муносабати, Соҳибқироннинг сиёсий ҳокимиятга келиши каби масалалар билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Шуни қайд этиш керакки, уларда билдирилган умумий фикрлар Амир Темурнинг ёшлик йилларига ва унинг 1344-1347 йилларда Мовароуннаҳрда Чигатой улусининг охириги мўғул хони Қозон Султонхон (1332-1347) билан амир Қазоғон ўртасида яқка ҳукмронлик учун бўлган жанглардаги иштироки, ҳокимият амир Қазоғон қўлига ўтиб, бу билан бошқарувда амирлар ҳукмдорлиги даври бошланганлиги масалаларига қаратилган.

Қозонхон даврида Мовароуннаҳрда итоатсизлик бошланган бўлиб, хон ҳар куни юзлаб одамларни олий жазога ҳукм қиларди. Мустақиллик йилларида тадқиқотчилардан Азамат Зиё бу даврдаги сиёсий аҳволни шарҳлар экан, Чигатой улуси хонларининг Мовароуннаҳрдаги мавқеи заифлашиб, маҳаллий амирлар уларга ўз ҳукмларини ўтказиши ва хонлик билан рақобатлашниш кудратига эга бўлгани боис, амир Қазоғон улус ҳукмдори Қозон Султонхонни жангда енгиб қатл этди, деган фикрни билдирди¹. Амир Қазоғон билан Қозон Султонхон ўртасида 1345-1346 йили Дарайи Зангийда, 1346-1347 йили Қарши ёнида бўлиб ўтган жанглар хусусида О. Бўриев, Б. Аҳмедов тадқиқотларида ҳам қайд этилган². Бирок, бу тадқиқотларда мазкур тўқнашувлар жойи ва санасини

¹ А з а м а т З и ё. Амир Темур ва Туғлуқ Темур // Шарқшунослик. Тошкент, 1996. № 6. 83-бет.

² Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. 72-бет; Б ў р и е в О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 23-бет; А х м е д о в Б., М у к м и н о в а Р., П у г а ч е н к о в а Г. Амир Темур. Жизнь и общественно-политическая деятельность. Ташкент: Университет, 1999. С. 18-28.

ифодалашда фарқлар борлиги аниқланди. Чунончи, Б. Аҳмедов «Дарайи Зангий»даги жангни 1339 йил³ деб ёзади. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида бу жанг санаси 746/1346 йил деб кўрсатилган⁴. Фикримизча, воқеалар ривожига тўғри қарайдиган бўлсак, Шарафиддин Али Яздийнинг кўрсатган санаси ҳақиқатга яқин.

Шу давр учун хос сиёсий тарихий воқеликлардан яна бири, бу амирлар ҳукмронлиги чоғида тахтга чингизийлардан номигагина хон тайинлаш масалалари ҳисобланади. Амир Қазоғон ғалаба қозонгач, чингизий Ўқтой хон наслидан бўлган Донишмандчани (Муиниддин Натанзийда Дошмандча деб ёзилган) тахтга қўйди. Шу тариқа Мовароуннаҳрда фитначи одамларнинг қаршилигини синдириш мақсадида амирлар томонидан тахтга номигагина хон қўйиш анъанаси бошланди. Амир Қазоғон бир оз вақт ўтгач, Донишмандчага Ўқтой наслидан деган айб қўйиб, уни шаҳид қилади ва Чигатой наслидан бўлган Баёнқулихонни тахтга қўяди. Муиниддин Натанзий бу иттифоқлик ҳақида шундай ёзади: «Бу икки улуғ зотнинг иттифоқи муждаси ва Қазоғоннинг адолати туфайли мулки миллат ишлари шу даражада мустаҳкам ва устувор бўлдики, бўри билан қўй бир булоқдан сув ичиб, дарвиш кулбаси бехатарлигидан нажот уйига айланди»⁵.

Азамат Зиё амир Қазоғон тахтга чингизийлардан Донишмандчахонни ўтказгани ва шу пайтдан бошлаб, Чигатой улусида салтанат амирлар ихтиёрига ўтганини ёзган⁶. Баъзи тадқиқотларда эса ундан кейинги сиёсий воқеаларга ҳам фикр билдирилиб, амирлардан Баён Сулдуз билан Ҳожи Барлос Амир Қазоғоннинг ўғли амир Абдуллоҳга қарши чиқиб, Самарқандга юриш қилгани ва Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига олиб, чингизий Йасун Темурхоннинг ўғли Темуршоҳ ўғлонни (1358-1359) хон қилиб кўтаргани ҳам таъкидланган⁷. Демак, давлатда амирлар бошқаруви чоғида номига хон тайинлаш анъанаси Амир Темургача ҳам бўлган, аммо айрим тадқиқотларда бу воқеага эътибор берилмайди.

³ Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур... С. 18-28. Бу ерда жанг санаси 1339 йил деб хато кўрсатилган.

⁴ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари 1360-1370 / Таржимон О. Бўриев. Масъул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. Тошкент: Камалак, 1994. 46-бет.

⁵ Муиниддин Натанзий. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар (Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний) / Форсчадан Ғулум Карим таржимаси // Жаҳон адабиёти. Тошкент, 2006. № 3. 3-бет.

⁶ Азамат Зиё. Амир Темур ва Туғлук Темур... 84-бет.

⁷ Темур ва Улуғбек даври тарихи... 72-бет; Бўриев О. Темурийлар даври манбаларида Чағониён. Тошкент: Фан, 2001. 5-7-бетлар; Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур... С. 19-20.

Муиниддин Натанзий Амир Қазоғон давридаги давлат бошқаруви ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, дастлабки амир даврида зулмининг йўқолиб, авом халқнинг аҳволи яхшилангани, улардан қабчур (чорва солиғи)дан бошқа бир динор ҳам олинмагани, шамолдан бошқа бирон нарса одамларнинг уйларига ижозатсиз кирмагани каби ўхшатишлар ёритилган⁸.

Аксарият тарихчилар эътибор берган тарихий воқеликлардан яна бири, XIV аср 60-йилларида ўлкада вужудга келган сиёсий тарқоқликдир. «Амир Темур жаҳон тарихида» китобида Қазоғоннинг ўғли Абдуллох даврида хўжасизлик ва тарқоқлик шу қадар кучайдики, у мамлакатни бутунлай идора қилолмай қолди, 1358 йил охири ва 1359 йил амирлар ўртасида низо, жанжалларда ўтди⁹, деб ёзилган. Бошқа тадқиқотларда эса Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос томонидан тахтга ўтқазилган Темуршоҳ икки йилга яқин (1358-1359) ҳукмронлик қилгани, сўнгра улус майда бекликларга парчаланиб кетгани¹⁰ ёки мамлакат маъмурий жиҳатдан турли қабилаларнинг кичик мулкларидан иборат бўлиб қолгани¹¹ ва мамлакатдаги тарқоқликдан ўзга ерликлар фойдалангани¹² хусусида сўз боради.

Х. Хукхем Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятнинг чигаллашуви сабабини вилоят бекларининг ўзаро нифоқларини назорат қилиб тура оладиган қудратли хон йўқлигида¹³, деб изоҳлайди. Айни пайтда, бу масалада амирлар Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос юритган сиёсат тарихчилар эътиборидан четда қолган. Чунки амирлар яқка ҳукмронлик учун курашда бирмунча устунликка эга бўлсалар-да, лекин бошқарувда заифлик қилганлар ва натижада сиёсий вазият анча қийинлашади. Муиниддин Натанзий маълумотида кўра, Амир Абдулла Чигатой наслидан бўлган Баёнқулихонни сабабсиз ўлдиртирди, отаси ўрнатган тартибларга амал қилмади. Натижада у юритаётган сиёсатга қарши амирлар Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлослар бирга исён кўтариб, амир Қазоғоннинг ўғли Абдуллани қатл қилдилар. Унинг наслидан ким қўлга тушса, барчасини ўлдирдилар. Сўнгра амир Баён Сулдуз Мовароуннаҳр тахтига ўтиради.

⁸ Муиниддин Натанзий. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар (Мунтахаб ут-таворихи Муиний) / Форсчадан Ғулом Карим таржимаси // Жаҳон адабиёти. Тошкент, 2006. № 3. 4-бет.

⁹ Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент: Шарқ, 2001. 60-бет.

¹⁰ Темур ва Улуғбек даври тарихи... 72-бет.

¹¹ Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё... 55-бет.

¹² Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ, 2001. 100-бет.

¹³ Хукхем Х. Етти иклим султони / Рус тилидан Х. Тўрабеков, Ш. Сокин таржимаси. Тошкент: Адолат, 1999. 43-бет.

У давлат ишида беғам ва бепарво бўлиб, умрини шаробхўрлик билан ўтказарди¹⁴.

Низомиддин Шомий эса бу ҳақда шундай ёзади: «Амир Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлос мамлакатни ва вилоятларни ўз тасарруфига олди. Амир Баён мамлакатни бошқариш ишида ғофилликда шаробхўрлик ва айш-ишрат билан машғул бўлди ... сиёсат мақомига келганда суствлик ва бепарволик қиларди. Донишмандлар демишларки: «Мулк (подшоҳлик) сиёсатсиз барқарор турмас ва қиличсиз мустаҳкам бўлмас»¹⁵. Шарифиддин Али Яздий «Зафарнома»сида ҳам шу мазмундаги сўзларни ўқиймиз¹⁶. Натижада улар даврида ўлкада тартибсизликлар бошланди. Барлос амирлари Шаҳрисабзни, жалойирлардан амир Боязид Хўжандни, амир Қазоғон хонадонидан бўлган амир Хусайн Балхни, наймонлардан бўлган амир Ҳамидхожа Шибиргонни, амир Шоҳмуҳаммад Бадахшоний Кўхистонни, амирлар Кайхисрав ва Ўлжойту Аперди иттифоқ бўлиб Хатлонни ўзига бўйсундирдилар. Шундай бўлиниш оқибатида фитна-фасодлар кўпайиб, мамлакатда тартибсизликлар бошланди. Бундай тартибсизликлардан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга мўғул хони Туғлуқ Темур бостириб келади¹⁷.

Ушбу масала мустақиллик йиллари тадқиқотларида бирмунча қисқа ёритилган¹⁸. Уларда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг (1359-1363) юриши ҳақида бир-бирини тўлдирувчи ўхшашлик мавжуд. Б. Аҳмедов бу хусусда тўхталиб, «Ўзини ҳокими мутлақ деб эълон қилиб, халқнинг нонини еб, отини миниб юрган улус беклари бир ёқадан бош чиқариб умумий душманга қарши кураш учун бирлаша олмай юртни муҳофаза қилолмасдилар. Чунки ўзаро босқин қилавериб, юз кўрмас бўлиб кетган эдилар. Айрим беклар эса мўғул босқинини «Худонинг етказган неъматини», деб ҳисоблаб мўғулларнинг қўли билан ўз рақибларини маҳв қилмоқ ниятида бўлдилар... Бекларнинг бир қисми, хусусан, Ҳожи Барлосга ўхшаганлар, бундан ҳам баттар йўлни танладилар, яъниким, эл юртни ўз ҳолига ташлаб, Амударёнинг нариги томонида қочиб кетди-

¹⁴ Муниддин Н а т а н з и й. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар... 5-бет.

¹⁵ Низомиддин Ш о м и й. Зафарнома / Форс тилидан ўғирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Изоҳлар ва лугатларни тузувчи Ҳ. Кароматов (географик номлар изоҳи О. Бўриевники). Ҳофиз Абрунинг «Зафарнома» га ёзган «Зайл» и («Илова») ни форсийдан ўғирувчи ва изоҳларни тузувчи О. Бўриев. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 28-бет.

¹⁶ Я з д и й. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари... 62-63-бетлар.

¹⁷ Муниддин Н а т а н з и й. Соҳибқирон ҳаётидан лавҳалар... 5-бет.

¹⁸ А х м е д о в Б., М у к м и н о в а Р., П у г а ч е н к о в а Г. Амир Темур... С. 19; Б ў р и е в О. Темурийлар даври манбаларида Чағониён... 5-7-бетлар.

лар»¹⁹, деган фикрни билдирди. Б. Аҳмедов Мовароуннахрнинг мўғуллар босқини арафасидаги тарқок сиёсий аҳволнинг бош сабабларидан бири сифатида «Амир Қазоғон улус амирларини ўз раъйига бўйсундира олмади ва мамлакатда ўзаро душман бўлган ўндан ортиқ бекликлар вужудга келди»²⁰, деган мулоҳазаларни келтиради.

Бу даврдаги муҳим сиёсий воқеалардан яна бири Амир Темурнинг Туғлуқ Темурхон хизматидаги ўтиши бўлиб, уни тарихчилар турлича баҳолаганлар. Аксарият тадқиқотчилар Амир Темурнинг бу фаолиятини сиёсий тадбир, деб изоҳлайдилар. Жумладан, Б. Аҳмедов «Амир Темур мазкур вазиятда «Лўлининг отини суғору, ақчасини ол»²¹, деган халқ мақоли қабалида иш тутди... ва душманни ташқаридан кузатгандан кўра, унинг ичида бўлишни афзал билди»²², деб ёзади. А. Мухаммаджонов тадқиқотларида ушбу воқеа «аниқ режа» деб изоҳланган: «Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур ишончини қозониб, унинг хизматидаги ўтади ва Кеш вилоятига ҳоким бўлиб тайинланишга муваффақ бўлади... ва бу аҳолини мўғуллар томонидан талон-торож этишдан ҳимоя қилишнинг бир йўли, яъни пухта ўйланган режа эди»²³. Ашраф Аҳмедов, «Туғлуқ Темурхон Чигатой улусини қайтадан бирлаштиришга қарор қилди ва 1360 йил январида Мовароуннахрга бостириб кирди. Хоннинг қаттиққўллигидан кўрқиб кетган Мовароуннахр амирлари турли тарафларга қочдилар. Шу вақтда 24 ёшли Темур биринчи бор ўзининг сиёсий жиҳатдан етуклигини намойиш қилди: у халқни ва улусни ҳимоя қилишга отланди. Унинг бу ҳаракати Туғлуқ Темурга ёқиб тушди. У Амир Темурни Қашқадарё водийсининг доруғаси этиб тайинлади», – деган қатъий фикрни билдирди²⁴.

АҚШлик тарихчи Р. Нельсон Амир Темурнинг Туғлуқ Темурхоннинг хизматидаги киришини «дипломатик сиёсат» сифатида баҳолаган ва бу ҳолатга, «Темур катта стратег сезгисига эга бўлган. У фойдали ҳамкорлик қилишнинг аҳамиятини яхши тушунган ва фаолиятининг

¹⁹ Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 6-бет.

²⁰ Аҳмедов Б. XIV асрда Марказий Осиёдаги сиёсий вазият // «Амир Темур: шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти» мавзусидаги Халқаро симпозиум материаллари (1996 йил 27-29 сентябрь). Самарқанд, 1996. 16-бет.

²¹ Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар. Тошкент: Ёзувчи, 1998. 32-35-бетлар.

²² Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур... С. 20-21.

²³ Мухаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. 8-бет.

²⁴ Аҳмедов А. Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятнинг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти // Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган Халқаро симпозиум материаллари... 44-49-бетлар.

бошланишида илғор ҳарбий кучлар устидан қўмондонлик қилиб турган Туғлуқ Темурхон билан ўта нозик иттифок тузади»²⁵, деб хулоса қилади. Азамат Зиёнинг фикрича, «Туғлуқ Темурхон Амир Темурни ўзига бундай яқин олишининг сабаби, Кеш вилоятининг бир туман, яъни ўн минг лашкарга эга бўлганлигидадир. Зеро, Мовароуннаҳрда ўз сиёсатини мустақамлашда Туғлуқ Темур учун бу куч асқотиши турган гап эди»²⁶. Умуман, бу вазият амир Темурнинг катта сиёсат майдонига кириб келишида кўприк вазифасини ўтаган.

Тадқиқотларда амирлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ёритилиб, мазкур воқеалар ўша даврда юз берган сиёсий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эди. Азамат Зиё ўз илмий изланишларида амир Қазоғоннинг набираси амир Ҳусайн, бобо мерос юртига даъво билан чиққан ва амакиси Қазоғоннинг ўғли Абдуллоҳнинг ўчини олиш баҳонасида амир Баён Сулдузга қарши кураш бошлаган²⁷, деб ёзса, бошқа бир тадқиқотида унинг амирлардан Хизр, Боязид ва Темурга суяниб, бобоси давридаги мавқени тиклаб олмақчи эди²⁸, деган фикрни билдиради.

Амирларнинг иттифоқликдаги фаолияти, уларнинг оқибатлари Б. Аҳмедов тадқиқотларида ҳам чуқур таҳлил этилган. Муаллиф, амирларнинг 1363-1364 йилларда Чигатойхон наслдан бўлган дарвишликда юрган Қобулшоҳни хонлик тахтига кўтарганлари²⁹ ва шу воқеа (1364) амирлар иттифоқининг бузилишига олиб келганлигини қайд этиб, унинг сабабини эса шундай кўрсатади: «Амир Ҳусайн Амир Темурни унинг номзодини тахтга лойиқ кўриб, қўллаб-қувватламаганида айблайди. У хон билан Амир Темурнинг орасига раҳна солиш учун, Тармаширинхоннинг кизи тўғрисида Темур номидан миш-мишлар тарқатди»³⁰.

Тадқиқотчилар амирларнинг ўзаро муносабатларининг бузилишини «Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас»³¹, мақоли билан изоҳлаб, уларнинг душманлик даври 1365 йил «Лой жангидан» бошлангани³², амир Ҳусайн шахсидаги салбий жиҳатларнинг жанг чоғида

²⁵ Нельсон Р. Темур ҳарбий стратег ва улкан сиёсатдон сифатида ҳозирги давр талқини // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари... 32-бет.

²⁶ Азамат Зиё. Амир Темур ва Туғлуқ Темур... 84-86-бетлар.

²⁷ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). Тошкент: Шарқ, 2000. 156-бет.

²⁸ Азамат Зиё. Амир Темур ва Туғлуқ Темур... 84-85-бетлар.

²⁹ Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар... 54-бет.

³⁰ Ўша жойда.

³¹ Норкулов Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. Урганч: Хоразм, 1996. 6-бет.

³² Амир Темур жаҳон тарихида... 2001. 62-бет.

янада кучайгани ва мўғул қўшинлари ўлкани тарк этгач, очиқ намоён бўлгани таъкидланган. «Амир Темур жаҳон тарихида» номли китобда амир Ҳусайн «Лой жанги»да фидойилик қилган лашкарбошиларни рағбатлантириш ўрнига уларга мағлубият айбдорлари деб, катта жарима солгани ёзилган. Шунингдек, Амир Темурнинг олижаноблиги бу лашкарбошиларни ҳимоя қилгани ҳолда унинг мазкур жаримани тўлаш учун ҳатто, ўз рафиқаси Ўлжой Туркон оғанинг зеб-зийнат буюмларини ҳам аямагани мисолида қайд этилади³³.

Тадқиқотларда Мовароуннахрнинг 1340-1360 йиллардаги сиёсий аҳволи ёзма манбалардаги маълумотларни қайд этиш билан кифояланилганини кўрамиз. Бу эса ўз навбатида воқеликларни ўша давр манбалари билан қиёсий ўрганиб, сўнгра ёритишни тақозо этади. Шунингдек, тадқиқотларда маҳаллий ҳокимият амалда амирлар кўлига ўтиб, номига Чингиз авлоди вакиллари хон қилиб кўтарилиши анъанаси дастлаб амир Қазоғон томонидан бошлангани, кейинчалик Амир Темур салтанатида ҳам давом этганини кўрсатиш лозим.

Тадқиқотчилар амирлар ўртасидаги муносабатларни ўрганар эканлар, амир Ҳусайннинг ҳалокатига сабаб, унинг шахсидаги салбий жихатлар эди, деб умумий тавсиф бериш билан чекланганлар, холос.

Д. Обиджонова айрим хорижий тарихчилар 1360-1370 йилларда Мовароуннахр сиёсий ҳаётида кечган воқеликларга ноҳолис фикрлар айтганини танқид қилади ва бунга мисол тариқасида Р. Гроссеннинг Амир Темурни мўғул хонларига соткинликда ва амир Ҳусайнга нисбатан адолатсизликда, иккиюзламачиликдаги айбловларига ҳамда «Шарк иккиюзламачилигининг камёб комедияси», деган ноҳолис баҳосига асосли қатъий эътирозларини билдиради³⁴.

Амир Темурнинг дастлабки йиллардаги сиёсий фаолияти билан боғлиқ воқеалардан яна бири бу Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракати масаласидир. Маълумки, совет тарихшунослигида «сарбадорлар» «халқ қаҳрамонлари», озодлик ҳаракати вакиллари, деган хулоса устуворлик қилар эди. Бугунги кун тадқиқотларида эса бу ҳаракатга бўлган муносабат бирмунча баҳслидир.

Б. Аҳмедов сарбадорлар ҳаракатини манбаларга таяниб, объектив ёндашган ҳолда ижобий баҳолайди. Олимнинг фикрича, мамлакат мўғуллар оёғи остида қолиш хавфи туғилганда «менман деган беклар» уни ҳимоя қилишга қодир бўлмаган бир шароитда сарбадорлар халқнинг

³³ Амир Темур жаҳон тарихида... 2001. 62-бет.

³⁴ А б и д ж а н о в а Д. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х годов XX в.: Дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2001. С. 59.

жонига оро кирди³⁵. Сарбадорлар мустаҳкам ҳимоя қилган Самарқанд шаҳри остонасида мўғуллар катта талафотга учраб, чекинишга мажбур бўлганлар. Бунинг сабабларидан бири, Илёсхўжа қўшинидаги отларга вабо тарқалгани ҳам қайд этилган³⁶. Бошқа тадқиқотларда ҳам ушбу фикрларни кузатиш мумкин³⁷.

Баъзи тадқиқотларда эса мазкур ҳаракат салбий баҳоланган. А. Аҳмедов, Ҳ. Бобобековлар мўғуллар отрядига ўлат келганлиги сабабли чекинишга мажбур бўлишгандан сўнг, ҳокимият осонлик билан сарбадорларнинг қўлига тегиб, улар юртда безорилик ва ноҳақликлар қилганлар деб, «...совет муаррихлари сарбадорларни ... халқ ҳуқуқини ҳимоя қилувчи миллий қаҳрамонлар даражасига олиб чиқиб, улар гўё мўғуллар зулмига қарши халқ ҳаракатининг бошлиқлари ва Амир Темур билан амир Хусайнни эса халқ ҳаракатини бостиришга уринган золимлар қилиб кўрсатган. Аслида эса улар хўжасизлик бағридан юзага чиқиб қолган авантюрачилар эдилар. Кейинчалик амирлар мамлакатда тартиб ўрнатиш жараёнида уларни қатл этиб тўғри қилганлар»³⁸, деган мунозарали баҳони берадилар. «Амир Темур жаҳон тарихида» китобида «Сарбадорларнинг пешволари (раҳбарлари) ўзларининг шаҳарни бошқара олмасликларини кўрсатдилар. Аслида бу тартибсизликларга уларнинг ўзи йўл қўйган эди»³⁹ деб, уларнинг давлатни бошқаришдаги лаёқатсизлиги алоҳида таъкидланган.

Низомиддин Шомий сарбадорларни «безорилар»⁴⁰, Ибн Арабшоҳ эса уларни «шутторлар», «таловчилар», «бузуқилар», «қароқчилар»⁴¹ деб, очикдан-очик салбий фикр билдиришади. Шарафиддин Али Яздий дастлаб: «Эй худо, гадо мўтабаб бўлиб қолишидан сақлагин!»⁴² – деб, воқеага салбий баҳо берган бўлса, бир пайтнинг ўзида, амирлар эплай олмаган ишни сарбадорлар уддасидан чиқдилар, деб вазиятни ижобий тарзда изоҳлайди. Улардан фарқли ўлароқ, Муиниддин Натанзий⁴³ сарбадорларни

³⁵ Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар... 32-35-бетлар.

³⁶ Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур... С. 23-26.

³⁷ Амир Темур жаҳон тарихида... 2001. 62-бет.

³⁸ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткич муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. Тошкент: Шарқ, 1997. 320-бет. 205-изоҳ.

³⁹ Амир Темур жаҳон тарихида. БМТ. ЮНЕСКО. Париж-Тошкент: Шарқ, 1996 (ўзбек, рус ва француз тилларида). 45-бет; Амир Темур жаҳон тарихида... 2001. 62-бет.

⁴⁰ Шомий. Зафарнома... 50-51-бетлар.

⁴¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи... 1-китоб. 85-бет.

⁴² Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари... 113-114-бетлар.

⁴³ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворих / Ғулум Карим таржимаси // Мозийдан садо. Тошкент, 2000. № 3. 14-17-бетлар.

ватанпарварлар сифатида тасвирлайди ва асарининг «Самарқанд сарбадорлари қиссаси» номли қисмида уларнинг фаолиятини ижобий баҳолаб, ҳатто, Мавлонозодани насл-насабли «...Илм таҳсили учун Самарқандга келган асли бухоролик аслзода йнгит»⁴⁴, деб таърифлаган. Ушбу манба таржимони шарқшунос олим Ғ. Каримов ўз мақоласида Муиниддин Натанзий асарига асосланган ҳолда, сарбадорларни «халқ қаҳрамонлари»⁴⁵, бу ҳаракатни эса ўзбек халқининг буюк ва бой тарихидаги энг ёрқин, ифтихорли саҳифаларидан бири бўлиб қолди»⁴⁶, деган фикрни беради.

Умуман олганда, сарбадорлар ҳаракати тадқиқотларда турлича изоҳланган. Баъзи тадқиқотчилар бу ҳаракатни салбий баҳолаб, сарбадорлар раҳнамоларини «авантюрачилар», деб айблашларини, уларнинг қатл этилишини маъқуллашларини хато, деб ўйлаймиз. Қайд этиш керак, бу ҳаракат мўғулларга қарши кўтарилган Маҳмуд Таробий кўзғолонининг мантиқий давомидир. Сарбадорлар ҳаракати масаласининг тўлиқ баҳоси фанда ҳали ўзининг узил-кесил ечимини топмаган ва ҳаракатнинг тарихий аҳамияти хусусида яхлит бир тўхтамга келинмаган. Фикримизча, кейинги янги тадқиқотларда бирламчи манбаларга таянган ҳолда изланишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ. Масалан, Муиниддин Натанзий «Мунтахаб ут-таворихи Муиний» асаридаги айрим муҳим маълумотлар ҳанузгача тадқиқотларга жалб қилинмаганлигини шу ўринда айтиш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1340-1360 йиллардаги Мовароуннаҳр сиёсий ҳаёти, 1360-1370 йилларда Амир Темурнинг сиёсий фаолияти фанда ҳали кам ўрганилган ва воқеликлар кўпроқ ахборот шаклида баён этилган ва мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотларнинг аксариятида муаллифлар асосан 1370 йилдан кейинги сиёсий воқеаларга эътибор берганлар.

О. Раҳматуллаева

Деятельность Амира Темура до прихода к власти в историографии периода независимости

В статье рассматривается историография периода независимости о деятельности Амира Темура до прихода его к власти в Мавараннахре.

⁴⁴ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворих / Фулом Карим таржимаси... 14-17-бетлар.

⁴⁵ Фулом Карим. Ватан озодлиги учун бошин дорга тикканлар // Мозийдан садо. Тошкент, 2000. № 3. 13-14-бетлар.

⁴⁶ Ўша жойда.

Анализируются нестабильное положение Мавараннахра в 1460-1470 гг., вражда и напряжённые отношения между Амиром Темуром и Амиром Хусейном, борьба обоих эмиров за власть, отношения Амира Темура с сарбадарами.

O. Rakhmatullaeva

Activity of Amir Temur before his advent to power over Mavarannahr in the historiography in years of independence

There is considered the historiography of Amir Temur's activities before his advent to power over Mavarannahr in the article. Also there historiography viewpoint regarded are analyzed the unstable political state of Mavarannahr in 1460-1470, the animosity and tense relationships between Amir Temur and Amir Huseyn, the struggle of both emirs for power, the relationships of Amir Temur with sarbadars.

C. Давлетов

АТРОФ-МУҲИТ ТАРИХИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ БИЛИМЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Сайёрамизда фан ва техника тараққиёти инсониятни табиатга бошқача кўз билан қарашга олиб келди. «Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, Рим клубининг «XXI аср йўли» деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзидан тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳоказоларнинг рўй беришига олиб келди»¹. Инглиз тарихчиси А. Ж. Тойнби ўз тадқиқотларида инсоннинг табиатга таъсири ҳақида фикр юритар экан, Британия Фан тараққиёти ассоциацияси Президенти А. Эвингнинг қуйидаги фикрларини кел-

¹ К а р и м о в И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 113-бет.

тириб ўтиб, саноат берган неъматлар инсоннинг ҳаётини қизиқарли, тўлиқроқ, янада бойроқ ва қулайроқ қилиши билан бирга салбий ҳолатларнинг ҳам манбасига айланганлиги, хусусан, саноат орқали инсоният табиат устидан ҳукмронлигини эгаллаган бир даврда одобахлоқ масаласида ҳали баркамолликка етишмаганлигини, маънавий юксалишда орқада қолганлиги туфайли ўзини бошқариш санъатини эгалламай туриб, табиат устидан ҳукмронликка эга бўлганлигини таъкидлайди².

Шуни таъкидлаш жоизки, глобал экологик инқироз шароитида инсоният хўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири оқибатларини ўрганиш тарих фанининг ҳам асосий вазифаларидан бирига айланди. Бу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар тарихий даврлардаги экологик инқирозларни ўрганиш билан бирга, инсоният ва табиат ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг асосий негизлари ва эволюцияси ҳақидаги тарихий билимларга эга бўлиш имкониятини ҳам берди³. Глобал экологик муаммолар юзасидан олиб борилган табиий, техник, ижтимоий-гуманитар изланишлар орасида, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тарихий билимлар муҳим роль ўйнай бошлади. Бу ҳолат, биринчи навбатда, «Табиат-жамият» тизимидаги муносабатларнинг (хусусан, қарама-қаршилиқларнинг) негизи ва эволюциясининг айнан тарихий тадқиқотлар объектига айланганлиги билан изоҳланади.

XX асрнинг иккинчи ярмида сайёрамиздаги экологик муаммоларнинг кескинлашиши, 60-йиллардан бошлаб, тарих фанининг табиий фанлар билан ўзаро таъсирининг фаоллашишига туртки берди. Бу ҳамкорликлар эса, ўз навбатида, атроф-муҳит тарихи билан шуғулланувчи қатор илмий жамиятларнинг шаклланишида (Америка атроф-муҳит тарихи жамияти-American Society for Environmental History, 1977; Европа атроф-муҳит тарихи жамияти-European Society for Environmental History, 1999;), атроф-муҳитнинг ҳолати ва уни асраш ҳамда соғломлаштиришнинг минтақавий ва ҳудудий муаммоларига бағишланган кўплаб нашрлар («Environmental History» (ASEN), «Environment and History» (ESEN) ва бошқалар) нинг фаолиятини йўлга қўйилишида ўз аксини топди.

2005 йил Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XX бутундунё тарихчилар конгрессида «Тарихда инсон ва табиатнинг ўзаро таъсири» мавзу-

² Тойнби А. Ж. Постигание истории. Сборник / Пер. с англ. Жаркова Е. Д. 2-е изд. М., 2002. С. 258.

³ Калимуллин А. М. Историческое исследование региональных экологических проблем. М.: Прометей, 2006. С. 4.

си, жаҳон тарихчилар жамоатчилиги вакиллари томонидан муҳокама қилинадиган энг асосий 3 та муаммо таркибига киритилди.

XXI аср бўсағасида хорижлик йирик экология тарихчиларидан Г. К. Херрер, А. Р. Мейн, М. Рангаражан, С. Равви Ражан, М. Редклиф, Д. Ворстер, В. Кронон, А. В. Кросби, Д. Ж. Хадес, Б. Лейбарх, К. Х. Лейвис ва бошқаларнинг ишларида тарихий тадқиқотлар янги йўналишининг методологик асослари ривожлантирилди⁴. Бу борада замонавий экология тарихининг намояндаларидан бири Дональд Ворстер ишлари катта аҳамиятга эга⁵. Жумладан, унинг экология тарихи ва экология фани масаласига бағишланган назарий ишида табиий ва ижтимоий фанлар олимлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни деталлаштирган ҳолда таҳлил қилиб берилди. Умуман олганда, XXI аср бўсағасида Ғарб тадқиқотчиларининг саъй-ҳаракатлари билан экология тарихи бўйича жуда катта тарихшунослик базаси (хорижий) шаклланди. Бундан фарқли равишда собиқ Иттифоқда экология тари-

⁴ *Қаранг:* Herrera G. C. The Environmental Crisis and the Tasks of History in Latin America // Environment and History, February, 1997. Vol. 3. № 1. P. 1-18; Main A. R. Ghosts of the Past: Where does Environmental History Begin? // Environment and History, February, 1996. Vol. 2. № 1. P. 97-114; Rangarajan M. Environmental History of South Asia: A Review Essay // Environment and History, June, 1996. Vol. 2. № 2. P. 129-144; Ravi Rajan S. The Ends of Environmental History: Some Questions // Environment and History, June, 1997. Vol. 3. № 2. P. 245-254; Redclift M. In Our Own Image: The Environment and History Society as Global Discourse // Environment and History, February, 1995. Vol. 1. № 1. P. 111-124; Worster D. The Two Cultures Revisited: Environmental History and the Environmental Sciences // Environment and History, February, 1996. Vol. 2. № 1. P. 3-14; Theories of Environmental History // Environmental Review 11 (special issue). Winter, 1987. P. 251-305; Cronon W. The Uses of Environmental History // Environmental History Review 17, Fall, 1993. P. 1-22; Crosby A. W. The Past and Present of Environmental History // American Historical Review. Vol. 100. October, 1995. № 4. P. 1177-1190; Hughes J. D. Ecology and Development as narrative Themes of World History // Environmental History Review. Spring, 1995. Vol. 19. № 2. P. 1-16; Leibhardt B. Interpretation and Causal Analysis: Theories in Environmental History // Environmental History Review. Winter, 1988. Vol. 12. № 1. P. 23-36; Lewis C. H. Telling Stories About the Future: Environmental History and Apocalyptic Science // Environmental History Review. Fall, 1993. Vol. 17.

⁵ Worster D. ed. The Ends of the Earth: Perspectives on Modern Environmental History, Cambridge-New York, 1988; Worster D. et al. A Roundtable: Environmental History // Journal of American History. March, 1990. Vol. 74. № 4. P. 1087-1147; Worster D. Nature and the Disorder of History // Environmental History Review. Summer, 1994. Vol. 18 P. 1-15.

хи бўйича изланишлар анча орқада қолган эди⁶. Ҳатто, атроф-муҳит муаммоси совет жамоатчилиги ҳаётининг ажралмас қисмига айланган шароитда ҳам тарихий фанлар соҳасида экология тарихининг истиқболи ноаниқ тарзда қолганди. Бунинг асосий сабабларидан бири иқтисодий ва сиёсий манфаатлар табиатни асраш масалаларидан ҳамон устун туришида эди.

Яна бир эътиборли жиҳати, кўпгина тарихий тадқиқотларда экологик жиҳатлар намоён бўлса-да, улар иккинчи даражали ҳисобланиб, гўё табиат – тарихий тадқиқотлар объектидан ташқаридаги воқелик, деб қаралди⁷.

Глобал экологик инқироз орқали инсоният келажагига таҳдид солиниши замонавий тарихий билимларга ўзига хос талаблар қўйди. Айнан экологик муаммоларнинг келиб чиқиш негизларини ўрганиш тарихчилардан, илгари турли илмий йўналишларнинг ўрганиш объекти бўлган ҳар қандай факт ва ҳодисаларни ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қилади⁸. Бу борада атроф-муҳит муаммосига турлича ёндашувлар юзга келиб, экология тарихининг предмети, методи ва вазифалари хусусида қатор масалалар ўртага ташланди. Жумладан, «Капитализм, табиат, социализм» журнали редактори Ж. О. Коннор экология тарихи нафақат экосистемаларнинг инсониятга, моддий, сиёсий-ижтимоий ҳаётга таъсири тарихидан иборат, балки, инсон фаолиятининг табиатни ўзгартириш жараёнига ҳам алоқадор, деб ҳисоблайди⁹.

Таниқли экология тарихчиси Д. Ворстер эса атроф-муҳит тарихининг асосий мақсади биофизик дунё томонидан инсоният тарихи ва ғояларига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилишдан иборат, дейди¹⁰.

Россиялик тадқиқотчилардан В. В. Алексеев, Д. В. Гавриловлар экология тарихининг асосий мақсади қадимдан то ҳозирги давргача инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсирини ўрганиш, экологик инқироз ва танглик, табиий экосистемалар мувозанатини инсон томонидан бузилишининг ижтимоий сабабларини аниқлаш, умуман олганда, та-

⁶ Юлдашев О. М. Состояние и проблемы оздоровления, сохранения природной среды Узбекистана в 80-е годы: Дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1993. С. 6.

⁷ Ахутин Ф. В. Понятия «природа» в античности и в новое время («фюсис» и «натура»). М., 1988. С. 4.

⁸ Калимуллин А. М. Историческое исследование региональных экологических проблем. С. 26.

⁹ Ravi Rajan S. The Endes of Environmental History: Some Questions // Environment and History, June, 1997. Vol. 3. № 2. P. 250.

¹⁰ Worster D. The Two Cultures Revisited: Environmental History and the Environmental Sciences // Environment and History. 1996. Vol. 2. № 1. P. 11.

биатга антропоген таъсир жараёнлари ва унинг оқибатлари тарихини тадқиқ қилишдан иборатлигини таъкидлайдилар¹¹.

Айнан мана шу жиҳатларга эътибор қаратган ҳолда тарихчи олим А. М. Калимуллин экология тарихининг мақсади инсонни табиатнинг бир қисми ҳақидаги тарихий қарашни ривожлантириш ҳамда глобал экологик онгни шакллантириш билан ифодаланади, деган хулосага келади¹².

Тарихчилар нуқтаи назаридан экология тарихининг таркибида табиий фанлар, хусусан, экология ёрдамчи ролни ўйнайди. Шу билан бирга, табиат билан инсоннинг муносабатларидаги инқирозни англашда биологларнинг ролини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Жумладан, АҚШда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига кенг жамоатчилик диққат-эътиборини қаратилиши фақатгина 1960 йиллар бошига келиб, биолог олим Р. Карсоннинг «Сокин баҳор» (Silent Spring) китоби ва шу каби бошқа тадқиқотлар таъсирида юз берди¹³. Табиий фанларга оид билимларни тарихий тадқиқотларга жалб қилиниши, тарихчилар учун ўтмишни бошқа позициядан ҳам кузатиш имкониятини берди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, экологиянинг тарихга таъсири муқаррар ҳолат, аммо тарих фани ҳам табиатшуносликка кам таъсир қилмайди. Чунки, айнан экологик муаммоларнинг келиб чиқишининг асосий манбаси инсоний маданият даражаси билан боғлиқлигини фақатгина гуманитар фанларгина тушунтира олади. Экологик муаммолар инсониятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлганлиги учун табиий фанлар мустақил равишда муаммонинг негизини чуқур англай олмайди¹⁴.

XX асрнинг охирига келиб, экология масаласининг тобора глобаллашуви туфайли Ўзбекистонда ҳам атроф-муҳит тарихини тадқиқ қилишга эътибор кучайди. Натижада табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни соғломлаштириш масалаларини ўрганишга республика-миздаги турли соҳа олимлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ишларида жуда катта фактик маълумотлар асосида экологик вазиятнинг худудий ва минтакавий муаммолари, табиий муҳитнинг экологик ҳолати билан урбанизация жараёнларининг ўзаро таъсири, умуман, атроф-муҳит муаммосининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-тарбиявий ва

¹¹ Алексеев В. В., Гаврилов Д. В. Историческая экология на Урале // Урал: наука, экология. Екатеринбург, 1999. С. 5.

¹² Калимуллин А. М. Историческое исследование региональных экологических проблем. С. 30.

¹³ Rachel Carson, *Silent Spring*. Cambridge, Mass: Houghton Mifflin, 1962; White Jr. L. The Historical Roots of Our Ecological Crisis // *Science*. 10 March, 1967.

¹⁴ Ахметов Б. К. Принцип историзма в экологии: Дис. ... канд. биол. наук. Алма-Ата, 1981.

бошқа жихатлари тадқиқ этилди¹⁵. З. Акрамов, В. Попов, А. Рафиқовларнинг ишларида Орол денгизи қуришининг асосий сабаблари, Орол муаммосининг салбий оқибатлари, уларнинг Оролбўйи табиий муҳити ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири каби масалалар таҳлил этилди¹⁶. Ш. Т. Атабаев, Ю. Шодиметов, Р. Убайдуллаева ва бошқалар эса ўз ишларида Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятнинг ривожланиш жараёнларини ва бу ҳудуддаги ижтимоий-экологик муаммоларни таҳлил қилдилар¹⁷.

Мустақиллик йилларида изланишлар олиб борган тарихчи олимлардан М. Б. Ҳожиева, О. М. Йўлдошев, Р. А. Носиров, К. М. Насриддинов, Н. Обломуродов, Б. Сиддиқов, А. Ҳазратқулов, Д. Бобожонова, Б. Бекимбетов ва бошқалар ўзларининг тадқиқотлари доирасида табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар масалаларига ҳам тўхталиб ўтганлар¹⁸.

¹⁵ Проблемы регионального природопользования в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1984; Саидаминов С. Основы охраны окружающей среды. Ташкент: Ўқитувчи, 1989; Турдикулов Э. А. Экологическое образование и воспитание учащихся. Ташкент: Ўқитувчи, 1990; Фуломов П. Инсон ва табиат. Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Зиёмухаммедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. Тошкент: Мехнат, 1990; Мамашакиров С. Урбанизированная экология или экологизированная урбанизация. Ташкент: Фан, 1991.

¹⁶ Акрамов З., Рафиқов А. Арал погибает ... что дальше? // Судьба Арала. Ташкент, 1988. С. 132-155; Акрамов З., Рафиқов А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. Ташкент: Мехнат, 1989; Попов В. Проблема Арала и ландшафты дельты Амударьи. Ташкент: Фан, 1990.

¹⁷ Атабаев Ш. Т., Набиев М. Н. Инсон ва биосфера. Тошкент: Медицина, 1983; Шадиметов Ю. Ш. Охрана окружающей среды – важнейший фактор укрепления здоровья. Ташкент: Узбекистан, 1986; Шу муаллиф. НТР, образ жизни и здоровье. Ташкент: Узбекистан, 1987.

¹⁸ Хаджиева М. Б. Социальное развитие села Узбекистана в конце 70-х и начале 80-х годов: опыт и проблемы: Дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1992; Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения. Специфика, опыт, перспективы (1971-1990 гг.): Дис. ... докт. ист. наук. Ташкент, 1993; Сиддиқов Б. Социально-экономические аспекты развития совхозного производства Узбекистана в 1965-1985 гг.: Дис. ... докт. ист. наук. Ташкент, 1994; Насриддинов К. М. Развитие ирригационно-мелиоративного строительства в Узбекистане и его общественно-экономические последствия (1981-1990 гг.): Дис. ... канд. ист. наук. Андижан, 1995; Насыров Р. А. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985 гг.): Дис. ... докт. ист. наук. Ташкент, 1997; Бабаджанова Д. Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане: Дис. ... докт. ист. наук. Ташкент, 1997; Бекимбетов Б. М. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря (1960-1990-е годы). Нукус, 2006.

Всем действиям у входа/выхода приписывается высокая степень семиотичности. Простая их интерпретация связана с пространственно-временным противопоставлением начала и конца пребывания в жили-

⁵ Токарев С. А. К методике этнографического изучения материальной культуры // СЭ. 1970. № 4. С. 4-16.

⁶ Полевые записи. Ташкент. Махалля Янги шахар, 2000.

⁷ Б ай б у р и н А. К. Жилище в обрядах и представлениях славян. Л., 1978.

ше. Пространство за пределами дома в определенные отрезки времени непосредственно наделялось признаками «инога», опасного для человека мира, выход в который был, если не запрещен, то, по крайней мере, не рекомендован. Отсюда и столь высокая степень ритуализации действий, совершаемых перед отправлением в путь: покидая «свой» дом и попадая в «чужой» (внешний) мир, человек лишается покровительства первого. Не случайно узбеки, отправляясь в дальнюю дорогу, всегда берут с собой лепешку, выполняющую функции оберега.

Обычай скрывать волосы имеет корни в доисламской вере. Представление о том, что человека можно околдовать с помощью прядей волос, распространено едва ли не по всему миру. Это суеверие покоится на общей идее симпатической связи, о которой пишет английский этнолог Д. Д. Фрезер, якобы существующей между человеком и всем тем, что когда-либо составляло часть его тела или с ним сколько-нибудь тесно соприкасалось. Он отмечает, что такая связь основана на одном из принципов симпатической магии, когда всё то, что колдун проделывает с предметом, окажет воздействие и на личность, которая была однажды в соприкосновении с этим предметом⁸.

Суть интерпретации герменевтики, т. е. выяснение смысла, почему или с чем связан тот или иной факт в обрядово-ритуальной жизни того или иного народа, российский антрополог Я. В. Чеснов назвал «край поля» и примирение с природой⁹. Эстетическое отношение человека к природе в парадигматизированной традиции строго регламентирует его взаимоотношения с ней. Так, у якутов в старину считалось грехом строить дом из бревен, очищенных от коры¹⁰. Нечетная балка в узбекском доме символизирует дар Аллаху¹¹. Вещь вся не должна быть законченной, число не должно быть четным, орнамент, не доведенный до конца, – норма известная в быту многих народов. Поле также не должно быть убрано полностью. Неубранная полоса называется «краем поля».

Антрополог Ю. Лотман, занимающийся семиотикой, подошел к проблеме незавершенности семантически и видел в ней фактор построения любого текста¹². Незавершенность в традиционной культуре особая – в каждом предмете можно обнаружить некий знак природы, и тем самым, знак достоверности. Он бывает представлен

⁸ Там же.

⁹ Там же.

¹⁰ Чеснов Я. В. Лекции по исторической этнологии: Учебное пособие. М., 1998.

¹¹ Полевые материалы автора, собранные в махаллях Ташкента в 2000-2007 гг.

¹² Лотман Ю. Статьи по семиотике и типологии культуры // http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Culture/Lotm/index.php.

скрытым образом в виде растительного или зооморфного орнамента, лап хищного зверя у стола или трона, в крае одежды, восходящем к расположению шкуры на теле и т. д. В Дагестане, например, носят шубы с функционально ненужными рукавами – они длинные, чуть ли не до земли и узкие. Руки туда не вдевают. Это реликт шкуры, снятой со зверя, аналог «края поля». На парандже также существуют рукава, которые не используются. Есть обряды, несущие функцию природных знаков достоверности. Например, абхазский охотник, убивший дикую козу, обязательно должен посыпать на ее тушу траву или листья. Обсыпание узбекской невесты конфетами и деньгами¹³ восходит к охотничьей стадии: этим маркируется связь человека с природой в момент переломного социального состояния. В народной культуре изготовитель вещи ее не завершает. Он недоделывает какую-нибудь деталь, недописывает орнамент, как это делает, например, расписывая кувшин, среднеазиатский гончар, среднеазиатские вышивальщицы сюзана оставляют узор незаконченным. Суть подобных фактов – в представлении о том, что завершенная вещь может отделиться от человека, уйти куда-то, исчезнуть. Например, по поверью узбекских вышивальщиц законченный узор, вышиваемый для свадьбы, может прекратить его череду или принести несчастье молодоженам¹⁴. Здесь как бы прослеживается мысль, что созидание культуры идет совместно с природой.

Таким образом, мы видим, что герменевтико-интерпретативный подход имеет немаловажное значение в аналитической работе над исследованием, касающимся материальной культуры.

Другой важный метод интерпретации элементов жизнеобеспечивающей системы – выяснение значения символов, способов его бытия в образах предметного мира. Символ, знак не возникает сам по себе – он продукт мышления. У символа нет действительного существования как части физического мира: у него есть значение. В первобытном мышлении трудно разграничить сферы бытия и значения. Они постоянно сливаются, и на символ смотрят так, словно он наделен магической или физической силой.

Первые шаги от общего анализа символизма как явления культурной жизни общества, прежде всего искусства, мифологии (Дж. Вико, Ф. Крейцер, Шеллинг, Гегель), к анализу его социального значения сделали антропологи и этнографы. На то, что в первобытном обществе

¹³ Полевые материалы автора, собранные в махаллях Ташкента в 2000-2007 гг.

¹⁴ Сухарева О. А. Сузани – среднеазиатская декоративная вышивка. М., 2006. С. 43.

утверждается и функционирует своя символическая система, указывают многие исследователи. Среди них Л. Леви-Брюль, К. Леви-Стросс, Дж. Фрэзер, В. Тэрнер, С. А. Токарев, А. Ф. Лосев, Ю. М. Лотман, Э. Б. Тайлор, Д. К. Зеленин и др.¹⁵ Работы этих авторов важны для раскрытия проблемы исследования в методологическом плане, с помощью их концепций представляется возможным проследить процесс восприятия «вещного мира» религиозно-мифологическим мышлением членов традиционной общины, раскрыть основы мировоззрения древнего человека.

Важная черта первобытного мышления – анимизм: одушевление неодушевленного. Например, с позиций теории символизма подходил к анализу ритуальной пищи Б. Х. Бгажноков¹⁶, который назвал одушевление пищи носителями культуры явлением пищевого аниматизма. В теории символизма отмечается, что стремление одушевить неодушевленное есть родовое качество человека. Примеры этого явления можно черпать не только в ритуальной пище, но и в ритуальной одежде (когда одежда в мифологическом сознании способна переносить человека из одного состояния в другое), жилище и т. д.

В прикладном смысле для изучения символов важна работа А. К. Байбурина, где он подводит теоретическую основу для изучения знаковых аспектов функционирования утилитарных предметов. Автор обосновывает понятие «семиотический статус» вещей, общие и мифопоэтические закономерности семантизации вещей и их функционирования в обрядности, определяет основное назначение вещей-символов в ритуале¹⁷. А. К. Байбурин пишет, что в качестве семиотических средств используются не только язык, миф, ритуал, но и утварь, жилище, пища, одежда и т. п.

¹⁵ Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. М., 1980; Леви-Стросс К. Структурная антропология. М., 1985; Фрэзер Дж. Золотая ветвь. М., 1980; Тэрнер В. Символ и ритуал. М., 1983; Токарев С. А. Избранное. М., 1970; Лосев А. Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. М., 1995; Лотман Ю. М. Семиосфера. Спб., 2000; Тайлор Э. Б. Первобытная культура. М., 1989; Зеленин Д. К. Тотемы-деревья в сказаниях и обрядах европейских народов. М., 1937 и др.

¹⁶ Бгажноков Б. Х. Культ пищи и пищевой аниматизм // ЭО. 2001. № 2.

¹⁷ Байбурин А. К. Семиотический статус вещей и мифология // Сб. Музея антропологии и этнографии. Л., 1981. Т. 37: Материальная культура и мифология. С. 215-226; Его же. Некоторые вопросы изучения объективированных форм культуры // Сб. Музея антропологии и этнографии. Л., 1982. Т. 38; Его же. Семиотические аспекты функционирования вещей // Этнографическое изучение знаковых средств культуры. Л., 1989. С. 63-88.

Синонимичность, взаимозаменяемость разных «языков», используемых традиционной культурой, особенно характерны для ритуала, на что обращает внимание исследователь Н. И. Толстой¹⁸. Предмет выступает в обряде (знаковом контексте) не в своем обиходном, практическом значении, а в ритуальной, символической, знаковой функции¹⁹.

Таким образом, глубинное значение вещей можно выявить только при обращении к внешним по отношению к ним «источникам» (ритуал, фольклор, мифология, язык, этикет), при «вхождении» в которые предмет и обретает знаковые свойства.

В этом ключе написана и работа М. А. Хамиджановой, посвященной жилищу таджиков Ягноба²⁰. Семиотическая концепция дома раскрывается и в статьях, посвященных обрядам и обычаям кочевого жилища. Например, А. Оразов и Д. Чарыев²¹ подробно описывают и анализируют обряды и обычаи, связанные с каждой частью туркменской юрты: крышей, дверью, порогом. Оригинально преподносятся обычаи, связанные с установкой переносного жилища. А. Толеубаев²² изучает жилище с точки зрения вложенного в него символа, знака, идеологии, что отражается в связанных с ними представлениях, верованиях, обрядах. Автор статьи пытается проследить тесную связь и параллель между обрядово-концептуальной моделью мира и юрты в представлениях народа. Он также останавливается на семантике и функциональном назначении каждой части казахской юрты, которую в горизонтальной плоскости делит на семь частей.

Конкретный фактический материал по жилищу ташкентских узбеков полностью подтверждает правоту и универсальность сделанных в этих исследованиях выводах о глубинных истоках мифологической концепции дома.

Изучение народной одежды не столько как части материальной культуры, а как явления, тесно связанного с духовной жизнью наро-

¹⁸ Толстой Н. И. Язык и народная культура: Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. М., 1995. С. 23.

¹⁹ Там же. С. 167.

²⁰ Хамиджанова М. А. Жилище таджиков Ягноба // Материальная культура матчинцев до и после переселения на вновь орошаемые земли. Душанбе, 1974.

²¹ Оразов А., Чарыев Д. Некоторые верования и обряды туркмен, связанные с юртой (XIX – начало XX века) // Кочевое жилище народов Средней Азии и Казахстана. М., 2000.

²² Толеубаев А. Юрта в представлениях, верованиях и обрядах казахов // Кочевое жилище народов Средней Азии и Казахстана. М., 2000.

да, с его обычаями и обрядами, в этнографии связано, прежде всего, с именами Н. И. Гаген-Торн, исследовавшей «магические» функции женского головного убора народов Восточной Европы²³, Г. С. Масловой, предметом исследования которой явилась роль одежды в восточнославянских обычаях и обрядах²⁴, А. К. Байбурина, обратившего внимание на семантику пояса в традиционной культуре восточных славян²⁵.

В этнологической науке уже давно существует множество теорий, позволяющих подходить к анализу и сбору полевого материала с различных точек зрения. К сожалению, в отечественной этнологии сегодня ощущается пробел в изучении жизнеобеспечивающей системы этносов с использованием соответствующей современному состоянию науки методологии.

Интерпретационный подход – важная составляющая теоретико-методологических концепций современной этнологии. В данной статье автором была предпринята попытка проанализировать интерпретационные методы, используемые этнологами при исследовании материальной культуры. Как отмечалось, они предоставляют ученому широкий спектр возможностей для раскрытия сути изучаемого объекта. Герменевтический подход помогает в расшифровке символов, играющих знаковую роль, например, связанных с ритуалами и обрядами в строительстве дома, приготовлении пищи и т. д. Теория символизма дает возможность проследить процесс восприятия «вещного мира» религиозно-мифологическим мышлением членов традиционной общины. Концепция интерпретации, объединяющая как герменевтический подход, так и теорию символизма, открывает путь для раскрытия глубинного смысла предметного мира, который он приобретает, лишь включаясь в определенную этнокультурную систему. Имея в виду именно эту специфическую нагрузку универсальных элементов, мы можем говорить о них как о составляющих уникальной этнической культуры²⁶.

²³ Гаген-Торн Н. И. Магическое значение волос и головного убора в свадебных обрядах Восточной Европы // СЭ. 1933. № 5-6. С. 76-88.

²⁴ Маслова Г. С. Народная одежда в восточнославянских традиционных обычаях и обрядах XIX – начала XX в. М., 1984. – 216 с.

²⁵ Байбурина А. К. Пояс (к семиотике вещей) // Сб. Музея антропологии и этнографии. Спб., 1992. Т. 45: Из культурного наследия народов Восточной Европы.

²⁶ Кузнецов И. М. Адаптивность этнических культур и этнокультурные типы самоопределения личности // СЭ. 1988. № 1. С. 15.

Г. Зунунова

**Моддий маданиятни ўрганишда назарий-методологик
ёндашувлар масаласига доир**

Мақолада символизм назарияси, герменевтик ёндашув каби ёндашув ва назарияларни ўзида бирлаштирган интерпретацион методлари ўрганилди ва моддий маданиятнинг у ёки бу элементини интерпретацияси ва таҳлил қилиш учун тадқиқот амалиётида улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

G. Zununova

**To a question about theoretical and methodological
approaches in studying of material culture**

In article the author the essence methods of interpretation which unite such approaches and theories as the symbolism theory, hermeneutic the approach reveals, examples of their use in practice in research work for the analysis and interpretation of this or that fact of material culture are shown.

А. Аширов

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИНСОН ТАНА АЪЗОЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРИ: ГЕНЕЗИСИ
ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, замонавий этнология фанида халқларнинг анъанавий ва замонавий турмуш тарзи билан боғлиқ хусусиятларини ўрганиш билан бирга локал маданиятлар ҳамда замонавий этномаданий жараёнларни тадқиқ қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада замонавий этнология фанида қатор янги йўналишлар, хусусан, маданий антропология, ижтимоий антропология ва жисмоний антропология каби йўналишларда бажарилган тадқиқотлар долзарб тадқиқотлар тарзида эътироф этилмоқда.

Тарихдан маълумки, инсон тана аъзолари маълум бир функцияни бажариши билан бирга кўчма маънодаги жуда кўп рақамли рамзий аломатлар, ҳаракат ва қарашларни ҳам англатган. Шу боис ҳам дунёдаги бошқа

халклар сингари Марказий Осиё халқлари анъанавий турмуш тарзида ҳам инсон тана аъзолари билан боғлиқ кўплаб қарашлар ва расм-русмлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий мазмун моҳиятида асрлар давомида тарих чиғиригидан ўтган ментал ва этнохудудий хусусиятлар, фалсафий ва этнографик қарашлар мужассамлашган.

Марказий Осиё халқларида инсон танасининг бош қисми, суяк ва ички организмлар билан боғлиқ қарашлар кенг тарқалган. Чунончи, Тоғли Бадахшондан топилган қадимий асарда: «Табиатда бор нарса инсон танасида мавжуд»¹. Одам борлигида олти томон мужассам, улар юқори (осмон), паст (ер), жануб, шимол, шарқ, ғарб томонларни ташкил қилади» – дейилади². Шунингдек, Помиролди, Шугнон, Рушон, Сўх, Дарвоз ва Қоратегин тожикларида йил фасллари инсон танасининг турли қисмлари билан аталувчи ўзига хос тақвим – «*ҳисоби марди*» (эркаклар ҳисоби) ёки «*ҳисоби марди шикори*» (эркак-овчи ҳисоби) бўлган³.

Қадимда Ҳиндистонда иморат қисмлари одам танасига қиёсланган. Жумладан, ибодатхона эшиги – оғиз, том юзаси – елка, бўртиб чиққан қисмлари – қўл, девор – оёқ, пойдевор – илоҳлар оёғи кафтини билдирган⁴.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Марказий Осиёнинг айрим жойларида уйнинг айрим қисмлари инсонга қиёс қилинган. Х аср тарихчиси Абу Толиб Абу Салом ал-Маъмуний «Равоқлар шундаки, гўё устунларининг қўллари улар томон дуо олиб хурсандчилик талаб қилаётгандай» – деб таъкидлаган⁵. Ал-Маъмунийнинг юқоридаги мисраларида иморат гумбази – осмон, устунлари – хонадон эгаси, равоқлар – хонадон эгасининг қўллари билан боғланганлигини билиб олсак бўлади.

Қозоғистонлик элшунос А. Т. Толеубаевнинг ёзишича, «инсонлар дастлаб уй-жойларни макрокосмосга (осмон, ер ва ҳ. к.) қиёслаш билан бирга инсон тана аъзолари билан ўзаро уйғун деб ҳисоблаганлар. Шу боис, улар тиклаган уйларда инсон тана аъзолари билан боғлиқ кўплаб

¹ Бертельс А. Е. Пять философских трактатов на тему «Афрак ва анфус». М., 1970. С. 24.

² Бертельс А. Е. Ўша асар. 16-бет.

³ Бу борада қаранг: Б о б р и н с к и й А. А. Горцы верховья Пянджа (Ваханцы и Ишканимцы). М., 1908. С. 98-99; М а й с к и й А. Исчисление полевого периода сельскохозяйственных работ у горцев Памира и Верхнего Ванча // СЭ. 1934. № 4; А н д р е е в М. С. Таджики долины Хуф. Сталинабад, 1958. С. 153-168.; Д ж а х а н о в У. Земледельческий народный календарь и счет времени у таджиков Соха // Этнография Таджикистана. Душанбе, 1985. С. 86-92.

⁴ K r a m r i s c h S. The Temple as Purusa – Studies in Indian Temple Architecture. Ed. V u P r a m o d C h a n d r. ew Delhi. 1975. P. 41.

⁵ Абу Мансур ас-Саолибий. 1976. 204-бет.

атамалар мавжуд». Масалан, бундай атамалар сирасига «*кераганинг боши*», «*кераганинг кўзи*», «*кераганинг қулоғи*», «*кераганинг оёғи*», «*ууқ кўзи*», «*балашиқ*», «*уйнинг суяғи*», «*уйнинг қовурғаси*», «*уйнинг киндиғи*», «*бошбоғ*», «*уйнинг салласи*» кабиларни киритиш мумкин⁶.

Туркий халқларда ўтовнинг синчи (уйнинг қобирғаси), чанғароғи ва ўчоғи ҳам эътиборли саналган. Чорвадор аҳоли ўтовнинг синчини ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг қовурғаси деб эъзозлаб, уларда уйнинг керағаси ёки уукларига пичоқ, тиг ёки бошқа бирор нарсани сукиш, тирнаш ман этилган.

Хоразмнинг Жигарбард шаҳарчасидан топилган зардуштийлик динига мансуб саждагоҳ – ўчоқнинг тузилиши одам қоматига монандлигига ҳамда унинг атрофи бўйлаб йўналган ром шаклидаги нақшлар тизимининг борлигига қараб «она – олов», ўчоқ сохибаси ёки «она олов» билан «ота олов»нинг бирлашуви каби рамзий тушунчалар билан боғлиқ бўлган, деб таъкидланади⁷.

Энди эса ўзбеклар орасидаги инсоннинг айрим тана аъзолари билан боғлиқ қарашлар ва этнографик материалларни таҳлилига бирмунча кенгрок тўхталиб ўтсак.

Бош. Ўзбеклар орасида инсон тана қисмлари орасида энг қадрланадиган ва кўп тавсифланадигани бошдир. Чунончи, ўзбекларда инсон боши билан боғлиқ тарзда «*одамнинг боши тегирмоннинг тоши*», «*бошига тушганини кўз кўрар*», «*бошинг тошдан бўлсин*», «*боши бойланди*», «*бошини иккита қилди*», «*бошига етди*», «*бошига бахт қуши кўнди*», «*боши қотди*» каби иборалар кенг тарқалган. Айнан мазкур қарашларда ўзбекларнинг ақлий рухий қиёфаси, фалсафий қарашлари, этнопсихологик тасаввурлари акс этган. Чунончи «*бошига тушганини кўз кўради*» дейилганда инсоннинг ҳаёт йўлида учрайдиган турли муаммолар ва қийинчиликларни енгиши тушуниланган. Шунингдек, ушбу иборани кўчма маъноси ҳам бўлиб, бировнинг бошига тушган ғам-ташвишни унинг энг яқин аъзоси – кўзи кўради, оиласи, аёли ёки хотини ёинки бола-чақаси тортади, ота-онаси баҳам кўради, деган рамзий маънони англатади. Қолаверса, халқда биров-кўз, биров-қош деган гап ҳам кенг тарқалган. Ўзбекларда айнан яқинлар, қавм-қариндошлар, дўст-оғайниларга нисбатан шундай дейилади. Шунингдек «*боши бойланди*» деганда бирор-бир қизнинг уйига совчилар келиб, фотиҳа маросими ўтказилгандан кейин ўша қизнинг боши бойлангани, яъни у бировга тегишли эканлигини англатган.

⁶ Толеубаев А. Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX – нач. XX в.). Алматы: Гылым, 1991. С. 153.

⁷ Н о з и л о в Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер... 80-бет.

Халкимизда «*бошини иккита қилди*» ибораси ҳам кенг тарқалган бўлиб, бунда йигит кишини уйланиши, янги оила қуриши ва рўзгор ташвишларини йигит киши ўз бошига олишига нисбатан рамзий маънода қўлланилади.

Ўзбекларда бош энг муқаддас тана қисмларидан бири бўлганлиги сабабли унга кийиладиган – дўппи, салла, қалпоқ, телпак каби бош кийимлар доимо қадрланган. Қолаверса, бош кийим қадимда магик ҳимоя воситаси ҳам бўлган. Айнан шу сабабга кўра водийда эркакларнинг дўпписиз, ялангбош юришлари ахлоқсизлик аломати сифатида тушунилган. Эркаклар ҳар қандай ҳолатда – ишда, ибодат пайтида, овқатланишда, кўчада, байрам ва сайилларда ва ҳатто, ухлаганларида ҳам бошларида дўппи бўлиши лозим бўлган. Дўппи гўёки кишилар бош қисмини ҳимоялаши билан бирга уни ташқи оламнинг турли таъсирлари, инсу жинслар ва ёмон кўзлардан ҳимояловчи ўзига хос магик ҳимоя вазифасини ҳам бажарган. Умуман олганда, халқ ўртасида дўппи, телпак, салла каби бош кийимлар миллий либослар таснифида ўз ўрнига ва рамзий маъносига эга бўлганлиги туфайли унга лоқайд муносабатда бўлиш одамнинг ўзига эътиборсизлиги тарзида баҳоланган. Айнан шу боис ҳам халқда дўппини алмаштириб кийиш, ерда қолдириш, яъни оёқ ости қилиниши қатъий тақиқланган. Олдинлари баъзи ҳолатларда тўй кунини белгиланиб, куёв маълум бир сабабларга кўра ўз никоҳ тўйида қатнаша олмаса, келин унинг *дўпписи* ёки *пичогига* никоҳланган⁸. Лекин даврлар ўтиши билан бош кийимнинг асл моҳияти унутилиб, оддий майиш маъносигина сақланиб қолган.

Соч. Қадимдан туркий халқлар «сочда одамнинг жони, кучқудрати, магик қуввати мужассамлашган», деб тасаввур қилганлар. Бу борада ўзбекларда чақалоқнинг қорин сочи муқаддас ҳисобланганлиги сабабли дастлабки қорин сочи оилада ёки уруғдаги пиру бадавлат, кўп фарзандли, кекса ёшли аёлга, ёинки маълум бир зиёратгоҳ шайхига олдирилган ва уни асраб-авайлаб мевали дарахт тагига кўмганлар. Тожикларда ҳам боланинг дастлабки олинган сочи асраб-авайлаб матога ўралиб, мевали дарахт шоҳига (чақалоқ ҳам ушбу дарахт каби ҳосил берсин деган ниятда) осиб қўйилган⁹. Бунда биз инсон сочи билан жон тушунчасининг боғланганлигини, қолаверса сочи мевали дарахт тагига кўмиш билан серпуштлик эътиқоди унсурларини кўрамиз.

⁸ Турдимов Ш. Рўмол рамзининг семантикаси ҳақида // Адабий мерос. 1985. № 3. 96-бет.

⁹ *Қаранг:* Зарубин И. И. Рождение шугнанского ребенка и его первые шаги // В. В. Бартольд. Ташкент, 1927. С. 372.

А. Т. Толеубаев боланинг дастлабки сочини олишдаги ўзига хос гамхўрликни парционал магия билан боғлайди¹⁰. Соч билан боғлиқ бундай одат дунёнинг кўплаб халқларида сақланиб қолган. Дунё халқлари этнографиясига оид адабиётларда соч магияси билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди¹¹. Машхур элшунос Ж. Фрэзернинг ёзишича, ибтидоий одам сочни тананинг ажралмас қисми, яъни жонли нарса деб билган. Сочи олинган одам ўзининг магик кудратидан маҳрум бўлади, деб тушуниланган. Шу боис, улар сочни асраб-авайлаганлар, унинг оёқости бўлмаслигига ҳаракат қилган. Қабила бошлиқлари, коҳин ва шомонлар эса баъзан умрбўйи соч олдиришга ҳақлари бўлмаган, узун сочли одам тангри назари тушган улуғ зот саналган¹². Таникли ўзбек фольклоршуноси М. Жўраевнинг ёзишича, ана шундай мифологик қарашлар халқимиз орасида соч билан алоқадор бўлган «соч тўйи», «кокил тўйи», «ҳайдар кўйиш», «соч сийпатар» сингари магик характердаги удумларнинг юзага келишига асос бўлган¹³.

Водий ўзбеклари дунёдаги бошқа қатор туркий халқлар сингари бепушт, боласи турмаганлар, баъзан эса ўғли кўп бўлиб, қиз кўришни орзу қилганлар ва ниҳоят, аксинча, қизлари кўп бўлиб, ўғил тилаганлар тугилган фарзандларининг «қорин сочлари» ни олдириганларида муқаддас қадамжоларга, зиёратгоҳларга бағишлаб бир тутам «кокил» кўйишган¹⁴. Кокил кўйиш одати замирида фарзанднинг умри узун бўлсин,

¹⁰ Толеубаев А. Т. Реликты доисламских верований в семейной обрядности казахов (XIX – нач. XX в.). С. 77.

¹¹ Бу ҳақда қаранг: Гаген-Торн Н. И. Магическое значение волос и головных уборов в свадебных обрядах Восточной Европы // СЭ. 1933. № 5-6. С. 76-88; Черчиев А. М. О мотиве чудесных волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. Махачкала, 1988. С. 52-59; Жўраев М. Соч магияси билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси. Янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. Тошкент, 2004. 190-197-бетлар.

¹² Фрэзер Дж. Золотая ветвь. М., 1986. С. 223-225; Штернберг Л. Я. Первобытная религия в свете этнографии. Л., 1936. С. 60.

¹³ Жўраев М. Соч магияси билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси. Янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар. Тошкент, 2004. 191-бет.

¹⁴ Кокил кўйиш удумининг тарқалиш географияси борасида батафсилроқ қаранг: Задыхина К. Л. Пережитки возрастных классов у народов Средней Азии // Родовое общество: этнографические материалы и исследования. М., 1951. С. 170-171; Андреев М. С. Таджики долины Хуф (Верховья Амударьи). С. 30; Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований у узбеков Хорезма. М., 1969. С. 95-96; Фирштейн Л. А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением ребенка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. М., 1978. С. 201-203; Шаханова Н. Ж. Половозрастная стратификация традиционного общества казахов (конец XIX – начало XX в.) // Этнос и этнические процессы. М., 1993. С. 141-142; Абашин С. Н. Кокил // Ислам на территории быв-

унга зиён-заҳматлар озор етказмасин, деган эзгу ният мужассамлашган. Иқтисодий имконият бўлган вақтда ўша аёл қариндош-уруғлари билан жонлик олиб келиб қурбонлик қилган. Қўйнинг ўнг оёғи фарзандни тилаб берган шайхга тақдим этилган. Бундан олдин шайх боланинг кокилини олиб қўйган. Ушбу маросимда шайхга бир кийимлик сарпо ҳада қилинган. Бундай пайтда фарзанди кокилини ташлаб кетишни истамаган аёл шайхга маълум миқдорда пул берган. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, чақалоқнинг дастлабки қорин сочини олиш исломдан аввалги анъана бўлиб, у болани жамият ҳаётига қўшилиши рамзий бир босқични англатувчи инициацион маросимнинг бир кўриниши бўлса керак. Боланинг дастлабки сочининг олиниши унинг она қорнидаги ҳаётдан буткул ажралганлиги ва инсонлар оламига қўшилганлигини англатади. Қолаверса, кокил қўйиш одати қадимги туркийлар ва мўғулларда ҳам бўлганлиги ушбу одатнинг узоқ тарихий асосга эга эканлигидан далолат беради¹⁵.

Соч билан боғлиқ қарашларни таҳлил қилар эканмиз, ўзбек халқи мотам маросимларида ҳам соч билан бевосита алоқадор кўплаб урф-одатлар кенг тарқалганини кузатиш мумкин. Чунончи, қадимги туркий халқларда мархумнинг яқин қариндошлари ҳам марсия айтиб, сочларини юлиб, юзлари ва қулоқларини тирнаб йиғлаганлар¹⁶. Хитой манбаларида ёзилишича, яқинлари вафот этган туркий халқлар қурбонлик сифатида олиб келинган от ва қўйларни ўтов олдига қўйиб келиб, отнинг устида турган ҳолда етти марта ўтовни айланганлар, сўнгра ўтовга киришдан олдин пичоқлари билан юзларини тилиб, овоз чиқариб йиғлаганлар¹⁷. Аёллар йиғисидаги соч ёйиш, ўзини азоблашнинг турли хил кўринишлари Панжикент топилмаларида, Тоқ қалъадан топилган остадондаги сурат шаклларида ҳам акс этган¹⁸. Этнограф Л. Я. Штернбергнинг ёзишича, соч ва қон ҳаётнинг асосий белгиси ҳисобланган¹⁹.

XX асрнинг биринчи ярмига қадар дафн маросимларида аёллар кўкракларига уриб, бошларини очиб (айниқса, эри ўлган аёллар бошим очик қолди, деган маънода) сочлари ўримини тарқатиб, дод-фарёд со-

шей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 4. М., 2003. С. 44-45.

¹⁵ А б а ш и н С. Н. Кокил... 44-45-бетлар.

¹⁶ А й д а р о в Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности. Алма-Ата, 1971. С. 15.

¹⁷ Б и ч у р и н Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т. I. С. 230.

¹⁸ Живопись древнего города Пенжикента. М., 1954. С. 61.

¹⁹ Ш т е р н б е р г Л. Я. Первобытная религия в свете этнографии. С. 262.

либ, нола чекиб, бор овози билан йиғлашлари учраб турган²⁰. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, водий қипчоқларида авваллари мотам маросимларида айнан мархумнинг энг яқин қариндошлари, жумладан, хотини, онаси ва ушбу урукқа мансуб яқин қариндошларгина сочларини ёйиб йиғлаганлар. Лекин мархумнинг бошқага турмушга чиққан аёл қариндошлари бошларини очиб, сочларини ёйиб йиғламаганлар²¹. Чунки улар энди бошқа уруғ вакили ҳисобланганлар. Демак, биз бу ўринда яқин қариндошлари томонидан сочларини юлиб, юзларини қонатиб йиғлаш, нола чекиш мархумнинг кейинги ҳаётига гўёки ўзларининг жонларини қурбонлик қилганликлари ёки уни қайта тирилтиришга бўлган ҳаракатларни англатиши билан бирга соч маълум бир урукқа ёки қавмга алоқадорликни рамзий англатувчи функцияни ҳам бажаришини гувоҳи бўламиз.

Кўз. Ўзбекларда инсон тана органлари орасида инсон кўзи билан боғлиқ таъриф ва тавсифлар кўплиги ҳамда этнографик материалларга бойлиги билан ажралиб турган. Ўзбеклар «*кишининг кимлигини билмоқчи бўлсанг унинг кўзига боқ*», – дейди. Дарҳақиқат, инсон кўзи унинг ички дунёсини ўзида акс эттирувчи ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Айнан шу боис ҳам маҳаллий аҳоли «*кўзнинг эгаси бор*», «*кўз тегди*», «*кўзимнинг оқу қароси*», «*кўз остига олмоқ*», «*кўзини ёғ босибди*», «*кўз кўзга тушадди*», «*кўзга тушган чўп*», «*кўзи учди*», «*кўздек қўшини*» каби инсон кўзи билан боғлиқ кўплаб иборалар ва этнографик материаллар кенг тарқалган.

Ўзбекларда униб ўсиб, ишлари ривожланиб келаётган кишиларнинг бирданига омади кетиб, толеи терс кетиб қолса «*кўз тегди*» деб айтишади²². Хўш, бу ўринда савол туғилади: кўз қандай қилиб тегади?, «*кўз тегди*», деганда қандай кўзни таъсири тушунилади?

Қадимги даврлардан сақланиб келаётган тасаввурларга одамлар орасида «*кўзлик*» одамлар ҳам бўлиб, уларнинг ўзларининг кўзларининг нури қуввати билан таъсир қилиш орқали инсонларга ва ҳайвонларга таъсир қилиши ва уларни зарарлаши мумкин дейилган. Шу боис ҳам ўзгалар муваффақиятига, яхши, эзгу нарсаларга ҳасад билан қараб уларга зарар етказадиган кишиларга нисбатан «*кўзи бор*», «*кўзлик*» ибораси ишлатилади²³.

Қадимдан кўз тегиши, турли бало-қазолардан асровчи восита сифатида турли туморларни тақиб юриш одати мавжуд. Чунончи, кўзмунчок-

²⁰ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Косонсой тумани Ровот кишлоғи, 2000 йил.

²¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Ариқбўйи кишлоғи, 2003 йил.

²² Маҳмуд Саттор Ўзбекнинг гапи қизик. Тошкент: Фан, 1994. 54-бет.

²³ Бу борасида батафсилроқ қаранг: Саҳримов Б. Ўзбек маросим фольклори... 182-бет.

лар инсон туғилганидан бошлаб, то унинг вафотигача одамларга ҳамроҳлик қилувчи қадимий тақинчоқ тури бўлган. Унинг асосий вазифаси одамни турли-туман бало-қазолар, сук, кинна ва ҳасад, ёмон кўзлардан асраш ҳисобланган. Айнан шунинг учун ҳам у инсоннинг кўзига ўхшаш мунчоқлар шаклида тайёрланган. Кўзмунчоқ кўпинча боланинг кўлига ипга тизиб билакузук сифатида ёки кийимининг кўзга ташланадиган ерига илиб қўйилган. Халқона тасаввурга кўра, ёмон ниятли кишилар кўз қувватини айнан кўзмунчоқ қайтарар экан ва агар унга ёвуз ниятли кишилар нигоҳи тушса кўзмунчоқ синиб кетар, лекин болага зарар етмас экан. Айнан замонавий шаклдагига ўхшаш кўзмунчоқлар қадимда ҳам кенг тарқалганлигини археологик қазилмалар жараёнида топилган материаллар ҳам тасдиқлайди²⁴.

Эркак киши хотини вафот қилганда:

Эшигинг айвон ўчоқли,

Кўлларинг дастурхон-сочиқли.

Узун бўйли кенг кучоқли, севиб олган қора кўзим, хўш энди»²⁵ – деб йиғлайди. Демак, бу ўринда унинг бекаси бўлган аёлга нисбатан «қора кўз» ибораси қўлланилаётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Ўзбекларда кўз билан боғлиқ «кўз учди» ибораси ҳам кенг тарқалган. Шу ўринда беихтиёр нима учун бу иборанинг асл мазмунида нима мужассамлашган? Ва айнан нима учун кўз учди? – дейилади, деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Дарҳақиқат, кўз қуш ёки капалак каби учиб қўниб турмаса-да, бу ибора ўзига хос кўчма маънога эга.

Аслида кўз учмоқ – кўз усти – қовоқнинг пирпираши, тебраниши, титрашидир. Асабларнинг шамоллаши, чарчаш, рухий юкнинг оғирлаши оқибатида инсон организмида бундай жараён содир бўлади. Лекин бу ўринда айнан кўз учиши билан боғлиқ кўплаб иримлар бўлиб, айнан мазкур иримларнинг бажарилиши биз учун қизиқарлидир. Чунончи, халқона тасаввурга кўра ўнг кўзнинг учиши – яхши хушхабар ҳадя қилиши, чап кўзнинг учиши эса ёмон хабар келтириши даракчиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишилар ирим қилиб, ўша заҳотиёқ қовоқларига уч бора бармоқ теккизиб ўпиш билан, чорёрларга сиғиниб, улардан мадад сўрайдилар. Қоғоз парчасини кичик пахта бўлагига ёпиштириб, учишни даволайдилар²⁶. Ёки махсус ният қилиб, бева-бечораларга садака берадилар. Кўз учиш ҳолати узоқ давом этса ис чиқариб, мушкулкушод маросимини ўтказадилар.

²⁴ Қаранг: П т а ш н и к о в а И. В. Бусы древнего и раннесредневекового Хорезма // Труды ХАЭЭ. М., 1952. Т. 1, табл. № 1.

²⁵ Ў р а е в а Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. Тошкент: Фан, 2004. 28-бет.

²⁶ М а х м у д С а т т о р Ўзбекнинг гапи қизиқ. Тошкент: Фан, 1994. 59-60-бетлар.

Суяк. Водий кипчоқларида «*суягимизни бегонага ушлабмаймиз*», деган маънода майитни ювиш билан бирга, уни кафанлаш, лаҳадга қўйиш каби амалларни марҳумнинг энг яқин қариндошлари – суяк эгалари бажарадилар.

Элшунос олима Б. Х. Кармишеванинг ёзишича, бу одат Фарғона туркларига ҳам бўлган²⁷. Бизнингча, мазкур одат илдизлари қадимги туркийларнинг аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги ўзаро қариндошлигига оид тасаввурлари билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, туркий халқлар орасида суяк ибораси уруғ-авлод маъносини ҳам билдирган бўлиб, ўзаро шажаравий боғланиш қон орқали эмас, балки суяк орқали юз беради, деб ҳисобланган. Уларнинг тасавбурида айнан суяк одам вафотидан кейин сакланиб қоладиган тана аъзоларидан бири ҳисобланган ва у орқали аجدодлардан авлодларга ўзига хос рамзий ҳаётий куч ҳам ўтган. Одамлар тасавбурида бир уруғ аъзоларининг суяклари бир хил бўлган. Шу боис, туркий халқлар аجدодлар ва авлодлар орасидаги ўзаро боғланиш принципларини қондошлик меъёрлари асосида эмас, балки суякдошлик асосида, деб билганлар²⁸. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш керакки, қадимда туркийларда уруғчилик ва қариндошликни тавсифлашда ва уларнинг қисмлари ҳамда функцияларини кўрсатишда ўзига хос анатомик коддан, жумладан, соок (суяк) – уруғ, бошлиқ – уруғ етакчиси каби тушунчалардан кенг фойдаланган. Шунингдек, қадимги зардуштийлик дини тартиб қоидаларига кўра, мотам маросимларда марҳум суяклари қушлар, йиртқич ҳайвонлар томонидан этидан тозалангач, «насасалар» томонидан зардуштийларнинг очиқ қабристонларига келиб, суяклар махсус хумчалар ёки сополдан ясалган қутисимон идишларга йиғиб, «наус» деб аталувчи махсус мақбарага қўйилган. Йилда икки мартаба баҳорги Наврўз ва кузги Меҳржон байрамларида ота-боболари арвоҳларига атаб ис чиқариб, садақа ва қурбонликлар қилишган²⁹. Демак, биз юкоридаги мулоҳазалардан шунга амин бўламизки, энг қадим даврлардан суяк инсон тана аъзолари орасида аجدодлар ва авлодлар узвийлигини боғловчи восита тарзда қадрланган.

Жигар. Мотам маросимларида йиғи (бўзлов, бўзлаш, марсия айтиб йиғлаш) алоҳида ўрин тутати. Дафн қунидаги йиғида эркаклар ва аёллар (айниқса аёллар) энг яқин кишиси вафот қилганда вой жигарим,

²⁷ Кармишева Б. Х. Архаическая символика // Древние верования, обряды и культы народов Средней Азии. М., 1986. С. 142.

²⁸ Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Традиционное мировоззрение тюрков Южной Сибири. Пространство и время. Вечный мир. Новосибирск, 1988. С. 39-40.

²⁹ Сулаймонов Р., Исхоқов М. Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // O'zbekiston tarixi. 1999. № 1. 46-бет.

деб баланд овозда дод солиб йиғлайдилар. Фарғона водийси ўзбекларида дафн маросимларида мархумнинг энг яқин қариндошлари, яъни бир авлоддан – бир уруғдан тарқалган яқин кишиларгина «вой жигарим», деб йиғлайдилар. Шу йўл билан улар туғишганининг ғамига шерик эканлигини билдирадилар. Тиббиётдан маълумки, жигар – инсоннинг энг нозик ва зарур ички органи бўлиб, у организмга қон етказиб бериб туради. Қолаверса, жигар қариндошлик маъносини ҳам англатган. Шу боис ҳам жигарнинг қон билан боғлиқлиги унинг қон орқали туташ инсонлар – қариндошлар маъносида қўллашга асос бўлган. Айнан шунинг учун ҳам мархумга энг яқин бўлган қариндошлар уни вафотига нисбатан ўзининг қайғусини билдириш мақсадида:

Жигар дединг – жигаринг пора бўлди,

Жигар жоннинг ўз юртидан оввора бўлди³⁰, – деб йиғлаган.

Дунёнинг кўплаб халқлари сингари ўзбекларда аждодлар ва авлодларнинг ўзаро боғланиши, яъни қариндошлик алоқалари нафақат суяк балки қон орқали амалга оширилганлиги боис, оиладаги энг яқин қондош кишилар вафот қилганда «вой жигарим», деб йиғланади.

Демак, юқоридаги мулоҳазаларга хулоса тарзда таъкидлаш керакки, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида инсон тана қисмлари нафақат ҳаётни давомийлигини таъминловчи жисмоний функцияни балки анъанавий кўплаб рамзий аломатларни ҳам англатган бўлиб, улар тана ва табиат орасидаги ўзаро умумийлик, миллий маданият, этнохудудий ва миллий ўзига хослик ҳамда фалсафий қарашлар акс этган. Шунингдек, ушбу қарашларда этноснинг ташқи олам, коинот, макон ва замон тўғрисидаги тасаввурлари мужассамлашган.

А. Аширов

Генезис и специфика взглядов узбекского народа относительно частей человеческого тела

В данной статье на основе историко-этнографического и археологического материала, касающегося частей человеческого тела, определены генезис и этнолокальные свойства многих обычаев, ритуалов и обрядов, используемых в повседневной семейной жизни узбекского народа. Прослежена эволюция древних представлений об окружающей среде, космосе, материи и времени.

³⁰ Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. Тошкент: Фан, 2004. 23-бет.

A. Ashirov

Genesis and specify of thoughts of Uzbek people concerning the parts of human body

In the article on the basis of historical-ethnographical and archaeological materials, relating to the parts of human body, genesis and ethno-local peculiarity of many traditions and customs used in daily family life of the people were determined.

Evolution of ancient views on environment, universe, substance and age is investigated by the author.

M. Fayzulloeva

ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИНИНГ ЭТНИК ВА ХЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР (Сурхон воҳаси мисолида)

Ўзбекистон халқларининг маданий мероси тизимида ўзига хос ўринни эгалловчи, инсоният моддий маданиятининг қадимий ва мустақкам компонентлардан бири анъанавий пазандачилик ва таомлар бўлиб, у табиий географик, ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий омиллар таъсирида шаклланган. Умуман олганда, анъанавий таомларни тарихий-этнологик тарзда тадқиқ қилиш орқали ўзбек халқининг хўжалик машғулоти, урф-одатлари, маросимларининг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари ва этномиллий маданият борасида кенгроқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Сурхон воҳасининг ўзига хос табиий географик хусусиятлари қадимдан ихтисослашган икки хўжалик маданий муҳит – серсув булоқ, дарё ва унинг ирмоқлари бўйида суғорма деҳқончилик ва шунингдек, ярим дашт ва тоғ ёнбағирларида эса чорвачиликни барабар ривожланишига имкон берди¹. Анъанавий таомлар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек таомлари жуда бой ва хилма-хил бўлиб, уларнинг тайёрланиши ва истеъмол қилиш тартиблари аҳолининг ҳаёт тарзи, хўжалик машғулотидан келиб чиққан.

¹ Қ а ю м о в А. XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон-Шеробод водийсидаги этник жараёнларнинг баъзи омиллари // O'zbekiston tarixi. Тошкент, 2001. № 4. 27-31-бетлар.

Умумўзбек таомлари каби Сурхон воҳаси аҳолиси таомларида донли, сутли ва гўшти маҳсулотлар муҳим ўрин тутиб, чорвачилик билан шуғулланадиган хўжаликлар овқатланиш рационада сут маҳсулотлари (асосан қўй-эчки сути), нисбатан кўпроқ гўшт ва камроқ сабзавотлардан фойдаланишган. Деҳқончилик билан шуғулланадиган хўжаликларда ҳам сут маҳсулотлари муҳим ўрин тутган (асосан сигир сути) бўлса-да, асосан сабзавотлар, полиз маҳсулотлари (ковун, тарвуз, ковок) ва мевалар истеъмол қилишган. Донли маҳсулотлардан тайёрланган ун ва ёрмалардан ҳам чорвадорлар, ҳам деҳқонлар бирдай фойдаланишганки, бу хўжаликларнинг иқтисоди бир-бирига боғлиқ бўлиб, айнан шу маҳсулотлар аҳоли истеъмолида кўпроқ бўлган. Бундан ташқари, деҳқон хўжаликлар билан яримўтрок хўжаликлар аралашуви натижасида уларнинг таомларидаги фарқлар ҳам йўқолиб борган. Бу жараёнлар аҳоли истеъмолидаги таомлар таркиби ва тайёрланишида ҳам ўзгаришларга олиб келди.

Донли таомлар асосан *буғдой, арпа, сули, оқ жўхори, жўхори, гуруч* каби оқ экинлардан² ва дуккакли ўсимликлар *тариқ, нўхат, мош, ловия*дан таркиб топган. Буғдой ва арпа уй ҳайвонлари ёрдамида янчилган. Бу «галагов» ҳайдаш усули деб аталган. Сўнг шоха (паншаха) билан шамолда совурилиб, чиғилдан ўтказилган ва ниҳоят, галвирда эланган³. Ун ва ёрма қилиш учун дарё бўйларида қурилган сув тегирмонларда, сув танқис бўлган ерларда ҳайвон кучи (от ёки эшак) ёрдами билан ҳаракатлантирилган тегирмонларда (харос, каш-каш) ва қўл билан ҳаракатга келтирилган ёрғичокларда тортилган⁴. *Зигир, кунжут, ундов* каби экинларнинг мойларини жувозда ажратиб олганлар.

